

# САНЪАТШУНОСЛИҚДА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ



- ❖ ЎзДСМИ хузуридаги Тармоқ маркази
- ❖ “Санъатшунослик”(турлари бўйича) йўналиши
- ❖ Профессор Тожибоева Олтиной Қосимовна

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан  
тасдиқланган  
ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи:** ЎзДСМИ “Овоз режиссёрлиги ва операторлик  
маҳорати” кафедраси профессори, санъатшунослик  
фанлари доктори  
Тожибоева Олтиной Қосимовна

**Такризчилар:** Манас номидаги Қирғиз-Турк университети профессори,  
санъатшунослик фанлари номзоди, Қирғизистонда хизмат  
кўрсатган санъат арбоби, Ч.Айтматов номидаги  
Халқаро Академия академиги  
Кульмамбетов Жаниш Османович

ЎзДСМИ “Телевидение режиссёрлиги” кафедраси мудири,  
сан.ф.н., доцент. Файзиева Феруза Хожимуродовна

Ўқув -услубий мажмуа ЎзДСМИ Илмий методик  
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган  
(2020 йил “29” январдаги 1-сонли баённома)

## МУНДАРИЖА

<b>I.</b>	<b>ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>4</b>
<b>II.</b>	<b>МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>12</b>
<b>III.</b>	<b>НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>20</b>
<b>IV.</b>	<b>АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>63</b>
<b>V.</b>	<b>КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>70</b>
<b>VI.</b>	<b>КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>72</b>
<b>VII.</b>	<b>ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>77</b>
<b>VIII.</b>	<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>80</b>

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

**“Санъатшуносликда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш”** модули умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган, шу мақсадда белгиланган мавзулар бўйича тайёрланган ушбу дастур орқали олий таълим муассасаларида соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялар, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш кўзда тутилган.

Тақдим этилаётган модулда мамлакатимиз санъатшунослик фанининг бугунги ҳолати, замонавий ёндашув ва тенденцияларини илғор хорижий тажрибалар билан ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги ҳамда узвий муносабатларига доир маълумотлар соҳа тараққиёти нуқтаи назаридан келиб чиқилган.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Санъатшуносликда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш”** модулининг мақсади: ўқитишда замонавий ёндашувлар, халқаро стандартлар билан таништириш, ўқитишга компетенциявий ёндашувни тадбиқ этиш,

ўқитувчиларнинг тайёргарлик даражасига ва олий малакали илмий-педагогик кадрлар билимлари даражасига қўйиладиган талабларни такомиллаштириш, таълимга илғор хорижий тажрибаларни тадбиқ этиш, таълим босқичларида санъатшуносликни ўқитиш самарадорлигини ошириш ва интенсив эгаллаш методларини ишлаб чиқиш, ўқув фани мазмунини лойиҳалаштириш, ўқитишда замонавий дарс турларидан фойдаланиш ва интерфаол усулларни қўллаш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтиришдан иборат.

**“Санъатшуносликда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш” модулининг вазифалари:**

“Санъатшунослик” (турлари бўйича) йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- санъатшунослик соҳасининг янги давр муаммолари бўйича маълумотлар бериш ва уларни қўллаш учун педагог кадрларни тайёрлашни таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этишдир.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

Санъатшуносликда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш курсини ўзлаштириш жараёнида тингловчилар:

- санъатшуносликнинг ривожланиш тенденцияларини, назарий асосларини, олий таълим тизимидаги ўрнини, санъатшуносликнинг долзарб муаммоларини, санъат соҳасидаги турли замонавий услублар, йўналиш ва тамойилларни **билиши** лозим;

- инновацион ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш, санъат соҳалари бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар ва тадқиқотлар натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, санъатшунослик соҳасидаги инновацияларни илмий-тадқиқот ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим;
- санъатшунослик фанларига инновацион технологияларни жорий қилиш, ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш, санъатшуносликнинг замонавий ривожланиш тенденцияларини назарий асосда ўқув жараёнига тадбиқ этиш ва санъатшунослик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибани қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

#### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Мазкур “Санъатшуносликда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш” модулнинг мазмуни ўқув режадаги “Санъатшуносликнинг долзарб масалалари”, “Санъатшуносликда ўзбек мусиқа меросининг аҳамияти” ва “Санъатшуносликнинг замонавий тенденциялари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

#### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида ўқитиладиган “Санъатшунослик” (турлари бўйича) ва узвий ўзаро боғлиқ бошқа фанлар бўйича машғулотларни олиб бориш, уларнинг мазмунини янги, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модуль бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси			
		Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Республика олий таълим тизимида хорижий тажрибаларни ўрганиш зарурияти. Шахсга йўналтирилган таълим – хорижий тажрибанинг асоси сифатида.	2	2		
2.	Россияда театр ва кино таълимининг ўзига хослиги. АҚШда санъат таълимининг етакчи хусусиятлари. Хорижда таълим интеграцияси.	4	4		
3.	Европа мамлакатларида санъат таълими тажрибалари. Шарқ мамлакатларида маданият ва санъат таълими.	4	4		
4.	Санъатшунослик йўналишларининг шаклланиши ва тараққиёт йўли.	2		2	
5.	Санъат таълимида индивидуал ва дифференциал ўқитиш тажрибасининг аҳамияти.	2		2	
6	Марказий Осиё республикаларида санъат таълими тажрибалари ва ўзаро алоқадорлик масалалари.	2		2	
7	Ўзбекистон санъатшунослик фанининг ўзига хослиги, анъаналарнинг давомийлиги, янги тенденцияларнинг пайдо бўлишидаги муҳит, зарурият, истиқбол масалалари.	6			4
<b>Жами: 20</b>		<b>20</b>	<b>10</b>	<b>6</b>	<b>4</b>



## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Республика олий таълим тизимида хорижий тажрибаларни ўрганиш зарурияти. Шахсга йўналтирилган таълим – хорижий тажрибанинг асоси сифатида (2 соат).**

Республика олий таълим тизимида хорижий тажрибаларни ўрганиш зарурияти. Шахсга йўналтирилган таълим – хорижий тажрибанинг асоси сифатида. Санъатшуносликда хорижий тажрибаларни ўрганишнинг мақсади, вазифалари, назарияси ва амалиёти. Ривожланган хорижий мамлакатларда санъат йўналишларининг ўқитишдаги илғор тажрибалар, етакчи тенденцияларнинг хусусиятлари.

### **2-мавзу. Россияда театр ва кино таълимининг ўзига хослиги. АҚШда санъат таълимининг етакчи хусусиятлари. Хорижда таълим интеграцияси(4 соат).**

Россияда театр ва кино таълимининг ўзига хослиги. АҚШда санъат таълимининг етакчи хусусиятлари. Хорижда таълим интеграцияси. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган санъатшунослик изланишларининг етакчи хусусиятлари. Ривожланган мамлакатларда санъат таълимини амалга оширишдаги ўзига хослик. Театр ва кино соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш борасидаги жаҳон тажрибалари. Россияда санъат таълими. Америка Қўшма Штатларида санъат турларини ўқитиш масалалари. Кино мутахассислари тайёрлашда Volliwood режиссёрлик мактаби хусусиятлари.

### **3-мавзу. Европа мамлакатларида санъат таълими тажрибалари. Шарқ мамлакатларида маданият ва санъат таълими(4 соат).**

Европа мамлакатларида санъат таълими тажрибалари. Шарқ мамлакатларида маданият ва санъат таълими. Таълимни ислоҳ қилиш борасида жаҳонда олиб борилаётган изланишлар. Таълим ислохотининг жаҳон миқёсидаги ташаббускорлари. АҚШда Р.Рейген – таълим ислохотчиси. Францияда Ф.Миттеран

ташаббускорлиги. Буюк Британияда М.Тэтчер ташаббускорлигидаги таълим ислохотлари. Ислохотларнинг туб мазмуни, моҳияти, аҳамияти. Тьютор, эдвайзер, фасилитатор, модераторлар фаолияти.

АҚШ, Германия, Япония мамлакатларида иқтидорга бўлган муносабатнинг ўзига хослиги. Иқтидорни ўрганиш, аниқлаш ва у билан ишлаш хусусиятлари. Табақалаштириш. Шахсга йўналтирилган таълимнинг етакчи жиҳатлари. Дифференциаллашган таълим. Индивидуал таълим. Таълимда интеграция масаласи. Dzyuku, kokoro, uebyeku тушунчалари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1- Амалий машғулот. Санъатшунослик йўналишларининг шаклланиши ва тараққиёт йўли.**

Санъатшунослик йўналишларининг шаклланиши ва тараққиёт йўли. Санъат таълимида иқтидор тушунчаси. Хориж таълимида интеграция масаласи. Санъат таълимида иқтидор тушунчасининг моҳияти. Иқтидорни алоҳида ўқитишдан мақсад ва вазифалар. Интеграцион ўқиш тажрибалари.

### **2- Амалий машғулот. Санъат таълимида индивидуал ва дифференциал ўқитиш тажрибасининг аҳамияти.**

Санъат таълимида индивидуал ва дифференциал ўқитиш тажрибасининг аҳамияти. Таълим модернизациясида хориж тажрибаларини ўрганишнинг асосий жиҳатлари. Хорижий тажриба ва республикамиз таълим жараёнлари ўртасидаги умумийлик ва алоҳида жиҳатлар. Таълим модернизациясининг хусусиятлари. Соҳанинг SWOT таҳлилини амалга ошириш.

### **3- Амалий машғулот. Марказий Осиё республикаларида санъат таълими тажрибалари ва ўзаро алоқадорлик масалалари**

Марказий Осиё республикаларида санъат таълими тажрибалари ва ўзаро алоқадорлик масалалари. Марказий Осиёда санъатшунослик турлари ва ўзига хосликлари. Миллий санъатимизга глобаллашув жараёнининг таъсир қилиши.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

Модул бўйича мустақил ишлар “Бошқарувда ахборот-коммуникация технологиялари” соҳаси бўйича қисқа назарий маълумотлар ҳамда таълим муассасасида ҳозирги вақтда бу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот келтирилиши зарур. Модул доирасидаги мустақил таълим мавзулари портфолио топшириқлари кўринишида тингловчиларга тақдим этилади ва бажарилади.

### **1-Кўчма машғулот(4 соат)**

**Ўзбекистон санъатшунослик фанининг ўзига хослиги, анъаналарнинг давомийлиги, янги тенденцияларнинг пайдо бўлишидаги муҳит, зарурият, истиқбол масалалари.**

Ўзбекистон санъатшунослик фанининг ўзига хослиги, анъаналарнинг давомийлиги, янги тенденцияларнинг пайдо бўлишидаги муҳит, зарурият, истиқбол масалалари. Таълим ва тарбия уйғунлиги. Шарқона таълим ва тарбиянинг хусусиятлари. Берилган намуна бўйича ФСМУ технологияси асосида фикр-мулоҳаза алмашиш.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: ақлий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгил.


Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий ҳужум – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

**Намуна:** Гуруҳга муаммоли вазият берилади, мисол учун оркестрни ташкил этувчи коллективдаги психологик вазият ёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали ақлий ҳужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яъни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлган фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.



**«Кейс-стади»** - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетига амалий вазиятлардан иқтисодий

бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

**“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

### **Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлари**

- 1. Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни (кичик ва индивидуал гуруҳларда аниқлаш)**
- 2. “Монна-Лиза” портретини ишлашда қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини очиб беришда рассомнинг маҳоратини аниқланг. (гуруҳларда таҳлил ёзма ёки оғзаки.)**

**Кейс.** Леонардо да Винчи “Монна Лиза” картинасини чизаётганда асар қаҳрамонининг ички дунёсини очиб бермаганида асар картина даражасига кўтарилармиди?

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг


- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.**

**Фикр:** “Тарихий ёки маиший мавзудаги кўпқоматли композиция асарининг ғояси”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:



Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қодалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тўлиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### “Блиц-ўйин” методи

**Методнинг мақсади:** тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу ёки бирор бир картина юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтариш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

## III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1-мавзу назарий. Республика олий таълим тизимида хорижий тажрибаларни ўрганиш зарурияти. Шахсга йўналтирилган таълим – хорижий тажрибанинг асоси сифатида.**

**Режа:**

- 1.1. Ривожланган хорижий мамлакатлардаги замонавий тажрибаларни ўрганишнинг мақсади ва зарурияти.
- 1.2. Санъат соҳасини ўқитилиш хусусиятлари.
- 1.3. Европа мамлакатлари таълим тизимидаги ўзгачалик.

**Таянч иборалар:** санъат, эҳтиёж, талаб, театр, кино, тенденция, инновация, метод, методология.

**1.1. Ривожланган хорижий мамлакатлардаги замонавий тажрибаларни ўрганишнинг мақсади ва зарурияти.**

Санъатшуносликнинг ўзига хос томонлари унинг субъект ва объектларида намоён бўлади. Субъектларига санъат маҳсули яратувчилари, воситачилар ва истъемолчилар кирса, объектларини эса санъат маҳсули, ташкилотлар, шахслар ташкил этади.

Санъат соҳасигача кириб келиши ўз ўзидан турли назария ва амалиётларни келтириб чиқарди албатта. Лекин санъатнинг маҳсулот сифатига урғу бериши бошланиши деган фикрлар ўртасида асосланган зиддиятлар мавжуд эмас.

Бугунги кунда инсоният ҳаётининг ажралмас бир бўлагига айланиб қолган маданият ва санъат соҳалари неча минг йиллик тарихга эга. Ўтган даврлар мобайнида уларнинг ҳар бир тури даврлар силсиласи, замонлар зайли билан беллашиб, ўз ортидан кўплаб буюк асарлар қолдирган ҳолда тарих йўлларини босиб бугунги кунимизга қадар етиб келди. Улар баъзан бир-бири билан узвий боғланиб, баъзан эса бир-бирларини такрорламаган ҳолда шаклланиб, сайқалланиб, ривожланиб бораверди. Санъат тарихида эса янгидан-янги жанрлар, янгидан-янги санъат турлари ва асарлар юзага

келар экан, мозий китобининг саҳифаларида нафақат даврлар санъати, балки санъаткорларининг номлари ҳам муҳрланиб қолди. Кўплаб ўз соҳасининг буюк устозлари ва фидойилари олиб борган тинимсиз меҳнатлар ва изланишларнинг самараси ўлароқ ҳар бир санъат тури йилдан йилга шаклланиш, ривожланиш билан бирга тобора бойиб, мукаммаллашиб ҳам бораверди.

Дунё ва давр билан уйғун ҳолда санъат соҳаси ҳам бир маромда инсонлар онгги, юриш-туриши ва айна кундаги ҳаёт тарзига мос равишда ўзгариб бормоқда. Бугунги кунда санъат таълими ва санъатшуносликда ўқитишнинг ўзига хос янги тенденцияларига суяниш давр тақозосига айланди.

Жаҳон санъатшунослигида рангтасвирнинг ижтимоий-маданий аҳамияти, унинг ривожда юзага келаётган долзарб муаммоларни ўрганишга қаратилган кенг доирадаги тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур жараёнда замонавий рангтасвирнинг бадиий потенциални очишга йўналтирилган илмий изланишлар алоҳида ўринга эга. Хорижий мамлакатларда рангтасвирнинг ўзига хос шаклланиш хусусиятлари, ривожланиш босқичларига оид асосий йўналишлар ва тенденцияларни аниқлаш масалалари устувор аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида санъатнинг барча қатламларида ўз аксини топган маданий интеграция миллий рангтасвир соҳасининг замонавий бадиий жараёнлар билан уйғунликда ривожланиши учун зарур имкониятлар яратди. “Бугунги кунда замонавий ўзбек тасвирий санъатига кўплаб ёш истеъдод эгалари кириб келаётгани, турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган ижодкорлар, хусусан, рассом ва ҳайкалтарошлар, халқ усталари ижодида янгича мазмун ва шакл, жаҳон санъат майдонида муносиб ўрин эгаллашга интилиш тенденциялари кўзга ташланаётганини ижобий баҳолаш лозим”<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон рангтасвирида ривожланган янги тенденциялар,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон “Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // Халқ сўзи. - 2017 й., 17 август.

уларнинг замонавий жараёнлар билан алоқаси ва миллий бадиий мерос билан уйғунлигини тадқиқ этиш муҳимдир.

Концептуал санъатнинг барча кўринишлари (перформанс, инсталляция, видеоарт, фото арт) Ўзбекистон рангтасвирида ўзига хос тарихий-маданий мантиқ асосида ўзлаштирилди. Унинг ривожига қийинчилик ва мураккаб ўсиш кўпроқ маданиятларнинг ўзгарувчанлиги, институт ва фондларни, молиявий қўллаш лойиҳаларнинг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бўлди.

Бу бадиий жараёнда модернизмдан чиқиш ёки ундан воз кечиш эмас, балки эстетик ва концептуал, услуб ва усулларга рангтасвирона ёндашув ётар эди. Мазкур тенденция жамиятда содир бўлаётган воқеаларга ижодкорнинг эркин муносабати, янгича фикрлаш тарзини ифода этиб, бутун бир авлоднинг янгича ижодий усулларни кашф этиш сари интилишларини акс эттириб, республика санъатига янгиликлар олиб кирди.

Ўзбекистон рассомлари учун янги тажрибани эгаллаш муҳим ва истиқболли бўлиб қолди. Бир томондан, бу тажриба республика санъатини коммуникатив, инновацион қилиб қўйди, унингсиз замонавий санъат ривожини тасаввур қилиб бўлмайди, бошқа томондан рассомлар анъанани ҳам рад этмайди, бу уларнинг асарларига миллий ўзига хослик бағишлайди.

Лойиҳалар таҳлили шундай хулосага олиб келадикки, улар концептуал санъат ва анъанавий мероснинг шакллариининг туташув нуқтасини аниқлади ва бу синтезда янги фалсафий фикрлар ва пластик тўхтамлар яратилди.

2000 – йиллар бошида Ўзбекистон санъатида миллий анъаналар ва ғарбий contemporary art анъаналарини уйғунлаштирган аввалгилардан бошқачарок мослик принциплари аниқланди. Бу тенденциянинг турли вариантлари В.Ахунов, Ж.Усмонов, А.Николаев, Ю.Усеинов, С.Тычин, Б.Исмоилов кабиларнинг лойиҳалари мисолида таҳлил қилинади. Масалан, видеоарт учун ислом тажрибаси, шарқ санъатида воқеликни белгиларга айлантириши билан боғлиқ медиативлик ғояси манба бўлиб қолди.

Ўзбекистоннинг долзарб санъатида ғарб-шарқ анъаналарини ўзига хос уйқашуви унинг замонавий мослиги янги принципларини шакллантиради.

Шундай қилиб, азалий қадриятлар талқини, мавзулар ва образларнинг янгича ифодасида модернистик омиллардан фойдаланиш замонавий миллий санъатда Ғарб ва Шарқ мулоқотини ўрнатишга хизмат қилди. Шу тариқа мазкур тенденция миллий рангтасвирни умумдунёвий жараёнлар билан биргаликда эркин ривожланиш имконини яратиб, ўзининг ички эстетик вазифаларига қарамай, постмодернизм босқичи билан боғлиқ умуммаданий жараёнга қўшилди.

Улар томонидан яратилган лойиҳалар, ижоднинг узвий қисми сифатида кенг образлилик, пластик ва стилистик омиллар билан ишлашга имкон берди.

Ўзбекистон санъатида услубий ўзига хослик, концепция ва ғояларни оригинал ўзлаштириш маънавий қадриятлар ва анъаналар уйғунлигида акс этиб, contemporary artнинг янги имкониятларини кўрсатди. Маданий хотира ва анъаналарнинг долзарблиги бу жараёнда муҳим аҳамият касб этди. Бошқа томондан эса, умумдунёвий жараёнлар билан биргаликда эркин ривожланиш имконини қўлга киритган ҳудудий санъат ўзининг “ички” вазифаларига қарамай аста-секин постмодернизм босқичи билан боғлиқ умуммаданий жараёнига қўшилди.

Ўзбекистон contemporary artини таҳлил қилишда шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ афсонавий-поэтиканинг миллий қаҳрамонлари ва сўфизм фалсафаси билан уйғунлашиш йўли билан боғлиқ бўлса, иккинчиси замонавий глобализм, экология, тарих трагедиясининг умумий универсал ғояларига асосланган.

Рассомлар ижодий лойиҳаларга ўз концепциясини сингдириш билан бирга, анъана ва мероснинг маълум визуал ва услубий белгиларидан воз кечди. Маълум мавзулар, ғояларни ифода этиш усуллари кенг тизимли умумийлик ва маданиятшунослик тузилмаси асослари орқали аниқланди. Шу тариқа барқарор дунёқарашлар, архетипик «матрицалар»даги замонавий этноснинг кўп асрлик тажрибалари акс этган ўзига хос изланишлар кириб келди. Мазкур жараёнлар шуни кўрсатадики, ҳар бир миллий мактабда этник маданият тузилмаси асосида шаклланган анъанавий эстетик тизимлар ва ҳар бир миллий санъатнинг

мослашиш тажрибасига хос хусусиятлар XX аср давомида ўзини янги ракурсларда намоиш этиб, постмодернистик тизимига мослашиб борди.

Лойиҳалар тақдим этилган Биеннале ва халқаро кўргазмалар санъатда ўзгармас ҳисобланган қоидалар ва чегаралар ҳақидаги тасаввурлар қандай ўзгарганлигини кўрсатиб қўйди. Объектлар, инсталляциялар, перформанслар ва видеоартлар у ёки бу ҳолатда миллий мослик, қадимги афсоналар, поэтик сюжетларни талқини ифодачиси бўлиб қолди ва миллий санъат учун янги имкониятлар очиб берди. Бу рассомлар асарларини мазмуннинг ўзига хослиги, қабул қилинган технологиялар шаклларнинг мустақил талқини ажратиб турди. Бошқа томондан, эркин ривожланиш ҳуқуқини қўлга киритган миллий санъат “ички” вазифаларни бажариб, вақти билан жаҳон бадиий жараёнига кириб бора бошлади.

Ўзбекистон замонавий концептуал санъатида шаклланган янги тенденциялар ўзига хос янги экспериментларни қамраб олди ва Европа замонавий санъатига тақлид қилмайдиган оригинал ифода тилини яратди. Бу жараён таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон тасвирий санъати етакчи ижодкорлари contemporary art янги тенденцияларини ўзлаштира олдилар, бу билан бадиий жараёнга туртки бердилар.

Бу жараён миллий санъатни жаҳон санъатига олиб кирди ва айни пайтда анъанавий дунёқарашни ва миллий меросни янги даражага кўтарди.

Янги видео технологиялари, инсталляцияларга мурожаат, рангтасвирчиларни концептуал санъатга ўтиши диссертациянинг ушбу бўлимида кўриб чиқиладиган нафақат республикадаги вазиятга, балки бутун собиқ совет ҳудудидаги жараёнга хосдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Ўзбекистон актуал санъати ва contemporary artни жаҳон бадиий жараёнининг ажралмас қисми, ўз даври ва миллий маданият вазифаларига мос келувчи санъат сифатида қараш мумкин.

Ўзбекистоннинг либерал маданий сиёсати шароитида янги тенденциялар ёш рассомлар томонидан фаол ўзлаштирилмоқда.



Республикада актуал санъат имкониятларини очишга шароит яратилди. Бу ахборотларни бемалол олиш, халқаро замонавий санъати биенналарни ўтказиш, замонавий санъат марказларини очиш, ёш рассомлар учун таълим ва ўзаро тажриба алмашиш дастурларини яратишда кўринмоқда.

### **1.2. Санъат соҳасини ўқитилиш хусусиятлари.**

Санъатнинг кино ва театр йўналиши бўйича хорижий таълим методикаси ҳақида гапирар эканмиз, аввалло Россия таълим тизимига тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки ўзбек кино ва театр санъати рус мактаби таъсирида вужудга келган. Шу жиҳатдан ҳам у бизга қайсидир маънода мазкур йўналиш бўйича таълим берувчи бошқа кўплаб ўқитиш методикаларидан кўра яқинроқ туради.

Россияда кино маданияти анча олдин вужудга келган. Мактаб-олийгоҳларнинг ўқувчи-талабалари турли хил тўғарак ва клубларда маданият ҳамда санъат соҳаси бўйича назарий, шу билан бирга амалий билимларини оширганлар. Аммо бу вақтларда айнан шу соҳага ихтисослашган махсус мактаблар бўлмаган. Медия соҳаси кундан-кунга ривожлана борар экан мазкур йўналиш бўйича махсус билимга эга бўлган соҳа вакиллари кундан кунга эҳтиёж орта бошлади. Ниҳоят, 1919 йилда дунёда биринчи бўлиб Москва шаҳрида давлат кино мактаби вужудга келди. Ушбу мактаб собиқ шахсий квартиранинг икки хонасидан иборат бўлиб, ўшанда биргина йўналиш, у ҳам бўлса, актёрлик йўналиши бўйича танлов эълон қилинган эди. Талабалар эмоционал пластика, рақс, мимика, сахна жанги, акробатика, руҳий ва жисмоний машқлар каби дарслардан сабоқ оладилар. Владимир Гардин, Лев Кулешов, Эдуард Тисселар каби намоёндалар бу мактабда дарс берган илк устозлар саналади.

Талабалар ўқув техникаси бўлмагани учун оддий дераза ромини кино экран деб фараз қилиб роль ижро этганлар. 1920 йилда кино мактабда режиссёрлик факультети ташкил топиб, унда атоқли инсонлардан бири Сергей

Эйзенштейн устозлик қила бошлайди. Унинг лекцияларини ҳатто ўқитувчилар ҳам тинглашган.

1934 йилдан бошлаб кино мактаб бутун Россия давлат киноматография институти (ВГИК) га айланиб, маълум вақт М. Горький номидаги киностудия биносига жойлашади. 1955 йилга келиб ВГИКнинг барча ўқув аудиторияси ҳозирги институти биносига кўчади. Лекин яна бир неча йил кинопавильонлар М. Горький номидаги киностудияда қолади. 1986 йилдан ВГИК С. А. Герасимов номи билан атала бошлайди. 1992 йилда С. А. Герасимов номидаги Бутун Россия давлат киноматография университетига айланиб, Россия Федерациясида давлат олий таълим муассаси ва олийдан сўнг профессионал таълим муассасаси сифатида фаолият юритмоқда. Лев Кулешов, Сергей Эйзенштейн каби жаҳонга машҳур кино арбоблар ВГИКнинг тараққий этишига ўз хиссаларини кўшдилар. 2008 йилги маълумотларга кўра, ВГИК битирувчилари дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларида киноматография ва телевидение соҳаларида режиссёр, оператор, сценарист, актёр, расом сифатида фаолият юритмоқда.

ВГИК да ўзига хос ўқитиш методикаси мавжуд бўлиб, у ўзининг самарадорлиги билан ажралиб туради. Ушбу методика талабаларга ўқиш даврида турли хил ижодий вазифалар беришга, назарий таҳлил ва уларни амалда татбиқ қилиш йўллариини ишлаб чиқишга ва, талабаларда мослашув хусусиятини ривожлантиришга асосланган.

Шу билан бирга, ижодий вазифалар талабаларда креатив ёндашув, назарий билимларни амалий машғулотлар билан ўзаро боғлашга асосланган. Вазифалар талабалар томонидан индивидуал кичик гуруҳ ва бутун гуруҳ ҳолатида бажарилишга мўлжаллаб, тақсимланган. Машғулотлар талабаларга сингдирилиши учун такрорланиб ва ҳар гал вазифалар мураккаблашиб бориши даркор.

ВГИК методикаси бир неча босқичга бўлинади:

**1. Адабий-имитацион босқич.** Бунда талабаларада бир материал танлаб ёки ёзиб, уни таҳлил қилиб, унинг мавзуси, сюжети, қарама-қаршилигини аниқлаб чиқишади.

**2. Театрлашган шарт-шароит яратиш босқичида** эса талабалар танланган инсценировкакани сахналаштиришга ўтадилар.

**3. Ифодавий-имитацион босқич** бўлиб унда сахналаштирилган асар учун афиша, фотоколлаж тайёрлаш ўргатилади.

**Биринчи босқичда** талабалар сценарий устида иш олиб борадилар. Авваламбор 3-5 дақиқали қисқа метражли фильм сценарийси ёзишга ҳаракат қилиб кўрадилар, кейин уни таҳлил қиладилар. Сценарий таҳлил қилингандан сўнг у асосида режиссёрлик сценарийсини ёзишга ўтилади. Сценарий кадрларга бўлиб чиқилади. Бу ишлар талабалар томонидан бажарилаётганда устозлар консультант вазифасини бажарадилар. Танланган асарлар гуруҳ даврасида муҳокама қилинади. Бу билан талаба ўзи танлаган асарининг долзарблигини исботлаб беришга ўз фикрини ҳимоя қилишга ўрганади. Бу келгусида кино танкидчилар ва журналистлар олдида ўзини қандай тутишга ва муомала қилишга тайёрлайди.

**Иккинчи босқичда** эса талабалар амалий ишга ўтадилар. Тайёр сценарий асосида тасвирга олишлари йўлга қўйилади. Роллар ўзаро тақсимланади. Режиссёр эса гуруҳни бошқаришга ўтади. Бу бўлажак режиссёрларни келажакда тасвирга олиш гуруҳи билан ишлашга, амалий тайёрлайди. Уларни нималарга эътибор бериш кераклигига ўргатади. Шу билан бирга гуруҳни ишга жалб қилиб улар билан тил топишишга, уларга қандай қилиб тўғри вазифа юклашга ўргатади. Бу режиссёрларни келажакда тасвирга олиш майдончасига тушиб қолганларида ўзларини йў қотиб қўймасликлари учун ёрдам беради.

Театрлашган шарт-шароит яратиш босқичида яна бир усул қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Унга кўра бир сценарий бир нечта кичик гуруҳга берилади. Ҳар бир гуруҳ танланган асарни ўзича талқин қилиб тасвирга олади. Бу талабалар ўртасида дўстона рақобат уйғотиб уларни

кўпроқ изланишга ва ижод қилишга ундайди. Талабалар ким ўзарга ижод қилар экан, бир-бирига ўхшамаган топилмалар топишга ҳаракат қиладилар. Бу эса талабалар фантазиясининг кенгайишига олиб келади. Бу жараёнда ўқитувчи ҳар бир гуруҳга холисона маслаҳат бериб, уларга тўғри йўл кўрсатиб боради. Бу билан ўқитувчи талабаларнинг мавзудан четга чиқиб кетишларининг олдини олади. Ўқитиш методикасининг иккинчи босқичи якунида ҳар бир кичик гуруҳ ўз ишини намойиш этар экан, ўзаро муҳокама қилинади: қайси гуруҳ асарнинг қайси қисмида қандай тасвирга олиш услубини танлаган? Қандай усул билан ёндашилган? Ким қандай талқин қилган? Ва ҳоказолар кўриб чиқилади.

Ўзаро баҳс-мунозара орқали улар фикр алмашсалар, бир-бирларининг фильмларини кўриб эса тажриба алмашадилар. Бир-бирларининг хатолари орқали амалий малака орттира бошлайдилар.

**Учинчи босқич** ифодавий-имитацион босқичда эса талабалар ўзлари тасвирга олган ишни оммага етказиш йўллариини ўрганадилар. Бунда улар тайёр бўлган фильмни реклама қилиш, сотиш ҳамда товар сифатида истеъмолчиларга ўтказиш бўйича сабоқ оладилар. Талабалар бу босқичда фильм учун реклама, турли хил афишалар, расмлар, коллажлар тайёрлашни ўрганадилар. Яъни улар ўз ишларини бозорга қандай қилиб тақдим этиш кераклиги бўйича йўл-йўриқ оладилар. Бу албатта уларга келгуси ишларида асқотади. Чунки ҳозирги кунда нафақат ижод қилиб санъат асари яратишни билиш керак, балки уни оммага тақдим қилишни ҳам билиш даркор. Кимнинг тақдимоти яхшироқ чиққанини эса ўқув театрига ташриф буюрган томошабинлардан билиш мумкин бўлади.

Ҳар уччала босқич якунида энг яхши деб топилган ижодий ишлар турли хил фестивалларга тавсия этилади. Бу эса ўз ўрнида талабаларни рағбатлантириб, янада кўпроқ изланишларига туртки бўлади.

ВГИК ўқитиш методикаси авваламбор шахсни шакллантиришга асосланган. Унга кўра шахс индивидуал ривожланиши керак. Шу билан бирга бутун аудиторияда ижодий ёндашув хусусиятини шакллантириб,

санъат борасида назарий чуқур билим беришга қаратилган. Талабаларга сенсорли тарбия бериш билан уларни келажакда санъат соҳасида ўзини йў қотиб қўймасликка ва жанрлар хилма-хиллиги ва тематик репертуар оқимида адашиб қолмасликка эришилади. Умуман, ВГИК методикасига кўра талабалар ижодий мустақил фикрлашга ўрганадилар. Бу жараёнда ўқитувчи йўл бошловчи вазифасини бажаради. Бу эса ҳар бир олий ўқув юртининг бош мақсадидир.

### **1.3. Европа мамлакатлари таълим тизимидаги ўзгачалик**

Санъатшунослик ва кенг олиб қараганда, гуманитар фанларни ўқитишнинг хориж тажрибаси биздаги ўқитиш системасига ўхшайди ва айти пайтда, тафовутли ўринларига ҳам эга. Айнан янги технологияларнинг ўқитиш жараёнига жадал кириб келиши хорижий мамлакатлардаги ўқитиш усулublари ва системасини такомиллаштириш, баъзи жиҳатларни ўзгартиришларни талаб этади.

Ўқитувчининг компьютер воситаларидан кенг фойдаланиши дарснинг самарадорлигини ошириб боради. Шунга қарамасдан ўқитувчининг дарсдаги ўрни ва салмоғини сақлаб туришга ҳамма вақт ҳамма жойда эътибор қаратилади. Баъзи хорижий мамлакатларда талабалар маърузага кирмасдан ўқитувчи томонидан аввалдан талабалар учун махсус тайёрланган маъруза матни билан танишиш орқали ҳам имтиҳон топширишлари мумкин. Айти ҳолат талабанинг зиммасига катта масъулият юклайди. Хориж тажрибасига кўра, ҳар бир маъруза учун видеоматериаллар тайёрлаган бўлиб, улар маърузадаги матнни тасвирдаги кўриниши сифатида аҳамиятга эга. Талаба дарсдан сўнг кутубхонага бориб, айти видеоматериалларни томоша қилиш орқали дарсда олган маълумотларини мустаҳкамлаш имкониятига эга. Муайян бир дарсларни билан боғлиқ билимларни талабалар кутубхона ва хусусий шуғулланиш орқали ўзлаштиришлари имконияти ҳам мавжуд. Шунга қармай, талабаларнинг барчаси қатнашиши зарур бўлган алоҳида дарслар ҳам мавжуд. Ахборот технологиялари таълимнинг турли янги кўринишларини таклиф этмоқда,

хусусан кейинги вақтларда модулли таълим тизимида мажмуавий ёндашув тамойили кучайиб бормоқда. Унда турли шакл, усуллар мослаштирилган ҳолда жойлаштирилиши аралаш таълимнинг инновация сифатида кириб келишига сабаб бўлди.

"Blended learning" (аралаш таълим) ҳақида шундай фикр бор – ушбу таълим бой педагогик тажрибадан самарали фойдаланишга қаратилган. Бундай ёндашув ахборотни тақдим этишда турли услубиётлардан фойдаланишни, таълимни ташкил этишда ва таълим жараёнида ахборот технологиялари, яқка тарзда ва гуруҳларда анъанавий фаолиятни ташкил этишга асосланиши мумкин. Бундай турлича ёндашув талабани чарчатмайди ва ўқишга бўлган мотивларини кучайтиради. Асосий масала - танланган услубиётларнинг ўзаро муносиблигини таъминлаш ва кам ҳаражат асосида юқори самарадорликка эришиш ҳисобланади.



**Вебинар.** Бугун масофавий таълимнинг яна бир тури «webinar» (1998 йилда бу термин мулоқатга киритилди) технология вужудга келди. Вебинар технология ўқитишни web –технология асосида интерактив ҳолда ташкил этишни назарда

тутади. Бу технология нафақат тингловчиларга ахборотни етказди, балки улар билан мулоқотга киришиш (оғзаки, ёзма) имконини яратади, яъни семинар кўринишида фикрларни алмашиш, ўз фикрини баён этиш мумкин.

Бошқача қилиб айтганда интернет тармоғи асосида ташкил этилувчи таълим ҳам субъект-субъект парадигмасига ўтмоқда.

**Вебинар усулида** дарс семинар ёки конференция Интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган тингловчилар билан аудио видео (ва аввалги постларда санаб ўтилган кўплаб интерактив имкониятлар) билан жонли олиб борилиб ушбу дарс кейинги фойдаланишлар учун ёзиб олиниши мумкин бўлса-да, бутун ўқув ёки курс жараёнидаги дарслар ягона платформа доирасида ўзаро узвий боғланмайди, яъни алоҳида-алоҳида бир марталик дарслар бўлади дейиш мумкин.

**Эвристик ўқитиш методи.** Эвристик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олади. Ўқувчилар эса мустақил равишда таклиф этилган масалани тадқиқ этиш жараёнида зарурий билимларни ўзлаштириб оладилар ва унинг ечими бўйича бошқа вазиятлар билан таққослайди. Ўрнатилган масалани ечиш давомида ўқувчилар илмий билиш методларини ўзлаштириб тадқиқотчилик фаолиятини олиб бориш кўникмаси тажрибасини эгаллайдилар. Таълим жараёнида тадқиқотчилик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси

- ўқувчиларга ўқув муаммосини таклиф этиш;
- ўқувчилар билан ҳамкорликда тадқиқот масаласини ўрнатиш;
- ўқувчиларнинг илмий фаолиятини ташкил этиш

Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси

- ўқув муаммолари моҳиятини англаб олиш;
- тадқиқот муаммосини ўқитувчи ва ўқувчилар билан биргаликда ўрнатишда фаоллик кўрсатиш;
- уларни ечиш усулларини топиш;
- тадқиқий масалаларни ечиш усулларини ўзлаштириш.

Эвристик метод ўқитувчилардан ижодий хусусият касб этувчи юқори даражадаги билиш фаолиятини ташкил эта олиш кўникма ва малакаларига эга

бўлишни тақозо этади. Бунинг натижасида ўқувчилар мустақил равишда янги билимларни ўзлаштира оладилар. Улар одатда юқори синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олган ҳолда маълум ҳолатларда қўлланилади. Ушбу методлардан бошланғич синфларда фойдаланиш амалиётчи-ўқитувчиларнинг фикрларига кўра бирмунча мураккаб ҳисобланади. Бироқ узлуксиз таълим тизимига шахсга йўналтирилган таълимни фаол жорий этишга йўналтирилган ижтимоий ҳаракат амалга оширилаётган мавжуд шароитда ушбу йўналишдаги лойиҳаларни тайёрлаш ўзига хос долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шунга қарамасдан бу тасниф мактаб амалиётида бирмунча кенг тарқалган ва педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган<sup>13</sup>. Шунингдек, буюк дидакт И.Я.Лернер асарлари асосида илмий тадқиқот ҳам амалга оширилган.

Хорижий таълимда сўнги йилларда бир қатор атамалар кенг ишлатилмоқда. Буларга тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модератор тушунчалари киради.

**Тьютор** - (*Tutorem-лотинча*) устоз, мураббий вазифасини бажаради.

Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан тингловчи орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда маърузачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради.

**Эдвайзер (advisor)**-французча “avisen” (“ўйламоқ”) тингловчиларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойиҳаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради.



**Фасилитатор** - (инглиз тилида *facilitator*, лотинча *facilis*—енгил, қулай)-гуруҳлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги коммуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.

**Модератор**-қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, тингловчиларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради.



Маълумотни, семинарни, тренинглар ва давра суҳбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.

Бизнинг таълимда ушбу фаолиятларнинг ҳаммасини ўқитувчи бажаради ва педагог ёки ўқитувчи деб юритилади.



### Назорат саволлари

1. Ривожланган хорижий мамлакатларда санъат таълимининг етакчи хусусияти нимада?
2. ВГИК таълим методикаси қандай тузилган?
3. Кино мутахассисларини тайёрлашда Россияда неча босқичли тизим мавжуд?
4. Акмеологик ёндошув деганда нимани тушунасиш?
5. Вебинар нима?
6. Тьютор, эдвайзер, фасилитатор, модератор тушунчалари нимани англатади?

**2-мавзу. Россияда театр ва кино таълимининг ўзига хослиги. АҚШда санъат таълимининг етакчи хусусиятлари. Хорижда таълим интеграцияси.**

**Режа:**

2.1. Америка Қўшма Штатларида санъат таълими

2.2. Санъатшуносликнинг хориж тажрибаларидаги алоҳида жиҳатлар

*Таянч иборалар:* таълим, кино санъати, режиссёр, санъаткор, ижод, ижодий устахона, ўқув студиялар.

**2.1. Америка Қўшма Штатларида санъат таълими.**

1994 йили АҚШда “Мақсадлар 2000: Американинг таълим акти” номли қарор қабул қилиниб, унга кўра, “Саънат” фани ўрта мактабнинг барча босқичларида ўтилиши шарт деб белгиланган. Ҳозирги кунга келиб 50 та штатдан 48 та штат мактаблари ўқиш планида санъат мажбурий ўқитиладиган фанлардан бирига айланган. Америка олий ўқув юртларига келсак, уларда бу йўналиш узок йиллар давомида ривожланиб келган. 60 йиллардан бошлаб деярли ҳар бир олийгоҳда санъат йўналиши бўйича факультетлар мавжуд бўлиб, уларда журналистика, коммуникация, кинематография, санъатшунослик, маданиятшунослик каби йўналишлар бўйича таълим берилиб келган. Америка Қўшма Штатларда юзлаб институт ва университет бўлгани учун айнан бир олийгоҳда тўхталиб бўлмайди. Умумий медиа таълим тараққиётини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1) медиа таълимнинг илк ривожланиш босқичи (йигирманчи асрнинг 60-70 йиллари);

2) медиа таълимининг асосий намунавий кўринишининг шаклланиш босқичи (йигирманчи асрнинг 80 йиллари);

3) замонавий медиа таълим босқичи (йигирманчи асрнинг 90 йиллари ва йигирма биринчи аср);

АҚШда медиа таълими кенг миқёсда ўқитилади. Айниқса, кинематография соҳаси тезлик билан ривожлангани боис бу йўналиш бўйича таълим беришга нафақат давлат, балки хусусий корхоналар ҳам қизиқиб қолишади. Кинематография йўналиши бўйича ўқитиш ҳам давлат, ҳам хусусий корхоналар маблағ билан таъминланиб туради. Шу боисдан ҳам кинофакультетларида кино яратиш учун керак бўладиган барча техник жиҳозларнинг энг сўнги нусхалари талабалар ихтиёрига топширилади.

Талабалар назарий ва амалий ижод қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилади.



Америка ўқитиш методикасининг асосий эътибори талабаларнинг амалий билим олишига қаратилган. Унга кўра кинематография йўналиши бўйича таълим оладиган талабалар аввалам бор кино яратишнинг барча босқичларида қўлланиладиган техник жиҳозлар билан мукамал ишлашни билишлари шарт. Бунга талабаларнинг кино камера билан ишлашлари (улар оператор, режиссёр, монтажчи бўлишларидан катъий назар) киради. Чунки аксарият АҚШ таълим системаси шунга қаратилганки, унга кўра кино йўналиши бўйича тахсил олаётган талаба икки-икки ярим йил давомида операторлик маҳорати, монтаж қилиш маҳорати, сценарий ёзиш, маҳорати,

режиссёрлик маҳорати бўйича ўқитилади. Яъни келажакда режиссёр бўлмоқчи бўлган талаба ҳам профессионал оператор, ҳам монтажчи, ҳам сценарист бўлиши талаб этилади. Бу кино соҳаси бўйича мукамал кадр этишишига олиб келади. Бундан ташқари, бу методиканинг яна бир афзал томони шундаки, кино соҳасига қизиқиб топширган талаба ўқиш жараёнида кинонинг қайси жабҳаси борасида кўпроқ қобилияти борлигини аниқлаб, кейинчалик айнан шу соҳа бўйича фаолият юритиши мумкин бўлади. Сўнгги йилларда ҳар бир талаба ўзидаги мойилликка қараб операторлик, режиссёрлик, сценаристлик, монтаж усталиги соҳаларидан бирини танлаб бир-бир ярим йил давомида айнан танланган мутахассислик бўйича илмини ошириши мумкин бўлади.

Америка ўқитиш методикаси талабаларга нафақат амалий техник билим беришга қаратилган, балки уларга назарий билимлар беришни ҳам ўз ичига олади. Бунга кўра талабалар кино ва умуман, санъат соҳасига доир барча терминология билан танишиб чиқадилар. Улар кинодан кинони ажратишга ўрганадилар. Яъни АҚШ кино бизнесида урф бўлган енгил-елпи фильмларидан ҳақиқий кино санъат асарини ажратиб олишни ўрганадилар.

Бу ўқитувчи бошчилигида бутун гуруҳ ўртасида турли хил фильмлар томоша қилиб уларни муҳокама қилиш орқали амалга оширилади. Ўқитувчилар бўлғуси киноижодкорларда эстетик диднинг шаклланишига катта аҳамият берадилар. Чунки Америка киноматография институтларининг барчаси ҳақиқий санъатни кадрлайдиган ва келажакда “artfilm”, яъни санъат асари дейиш мумкин бўлган фильмлар яратадиган иждоқорларни етказишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

АҚШ методикасига кўра талабаларнинг бадиий асар танлашига ҳам катта эътибор берилади. Чунки ҳар қандай кино асари фақат санъат асари бўлибгина қолмай, у улкан маблағ тикилган лойиҳа ҳам ҳисобланади. Танланган проект кутилган моддий фойда олиб келишини ҳам кўзда тутилиш керак. Шунинг учун талабаларга нафақат бадиий жиҳатдан мукамал асар, балки ундаги мавзу томошабинларни жалб эта олиши мумкин бўлган асар

танлаш бўйича йўл-йуриқлар берилади. Бу билан бўлажак киноижодкорлар омадсизликка учрайдиган проектларга қўл урмасликлари борасида огоҳлантириладилар. Бунда талабаларга фильм тасвирга олиш учун асар танлашда ўз томошабинини аниқлаб олиш даркорлиги уқтирилади. Унга кўра томошабиннинг ёши, келиб чиқиши ва қизиқишлари инобатга олиниб, сўнг асар мавзуси танланади.

Америка Қўшма Штатлари кино мутахассислиги бўйича ўқитиш методикаси техника билан ишлай оладиган, назарий жиҳатдан билимдон, ҳақиқий санъатнинг фарқига борадиган ва келажакда моддий ва маънавий жиҳатдан муваффақиятга эриша оладиган кино асарлар яратиши мумкин бўлган кадрлар етиштиришга қаратилган.

## **2.2. Санъатшуносликнинг хориж тажрибаларидаги алоҳида жиҳатлар**

Санъатнинг барча турларини санъатшунослик нуқтаи назаридан ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини англаш, оммабоп тарзда таҳлил ва тарғиб этиш малакасини эгаллашга қаратилган назарий, ижодий ва амалий масалалар қамраб олинган. Барча турдаги машғулотлари комплекс ҳолда олиб борилиши жаҳон санъатшунослиги амалиётида қабул қилинган. Шунга риоя қилган ҳолда дастурда амалий, семинар машғулотларни, якка машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар ҳар бир семестрга яхлит ҳолда ишланган.

Модомики юқорида бўлажак санъаткорларга таълим беришдаги тажрибалар борасида сўз юритар эканмиз, ўзига хос тажрибаларни кузатиб ўтиш ўринлидир. Volliwood режиссёрлик мактаби ва унинг ўзига хос услубияти. Гарчи кимларнингдир наздида, ҳинд киноси фақат романтика, фантастика, ўлдим-куйдим ёки ёлғон-яшиқ сюжетдан иборатдек туюлсада, унинг замирида ғоят улкан режиссёрлик мактаби бор. Шунинг учун ҳам ҳинд киноларининг барчаси Ер куррасини ўраб олган. Шунинг учун ҳам дунёнинг ҳар бир бурчагида бу миллат, бу ижод мактабига тегишли бўлган фильмларнинг минглаб мухлисларини топиш мумкин. Демак, тақдим

этилатган фильмларнинг элга манзур бўлишига асос бор. Ахир Ҳиндистонни дунёга танитган худди шу кинолари эмасми?

Bolliwood деб номланувчи ҳинд киносаноатининг режиссураси чинданда юксак. Унинг фақат ўзигагина хос бўлган кўплаб хусусиятлари мавжудки, улардан бошқа халқлар, жумладан, биз ўзбек миллати режиссёрлари ҳам улкан билимлар олиши мумкин. Аммо бу режиссёрлик мактабига негадир кўпчилик юқорида таъкидлаганимдек, енгил нигоҳ билан қарайди. Балки, чиндан ҳам уларнинг оддий ва содда сюжет асосидаги фильмлари осон туюлиши мумкин. Аммо худди шундай “енгил-елпи” ижод маҳсулини ҳиндларнинг ўзидан бошқа ҳеч қайси режиссёрлар эплаб ярата олмаган. Бунга ҳаракат қилганларнинг уринишлари эса муваффақиятсиз яқун топган. Демак, бунинг учун ўша оддийлик замирида ётган мукамалликни англаб олмоқ керак.

Bolliwood киносаноатининг тарихи узок йилларга бориб такалади. Гарчи бу ўлкада ҳам дунёнинг бошқа минтақалари билан бир пайтда кино олиш бошланган бўлсада, унинг муваффақиятлари бошқа даврга тўғри келди. Бу давр буюк Капурлар сулоласининг асосчиси Раж Капур даври эди. Чиндан ҳам бу инсонни ҳинд киносаноати ва режиссура мактабининг асосчиси дея баҳолаш ўринли. Чунки айнан унинг ихтиролари, топилмалари ва фантазияси асосида экранлар юзини кўрган фильмлар ҳозирги кунда Bolliwood деб номланувчи буюк киносаноатга тамал тошини қўйди. Унинг олиб кирган йўналиш ва ёндашуви бу халқ киноларининг рамзи ҳамда асосига айланиб қолди. Шунинг учун ҳам Bolliwood режиссёрлик мактаби ҳақида гапиришдан олдин унинг асосчиси Раж Капур босиб ўтган ижод йўлига батафсил тўхталиш шарт.

Буюк Раж Капур 1924 йилнинг 14 декабрида артистлар оиласида дунёга келган. Унинг бобоси ҳам актёр бўлган. Ражнинг отаси Притхвирадж Капур эса Бомбей (ҳозирги Мумбай)даги «Притхви-тиэтрс» театрининг хўжайини ва бош режиссёри эди. Шунинг учун ҳам ўзининг барча

фарзандлари (Раж, Шамми ва Шаши) да актёрлик соҳасига муҳаббат уйғота олди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, чиндан ҳам Ражнинг санъаткорлар оиласида туғилгани ва шу муҳитда вояга етгани, унинг келажакдаги барча муваффақиятларига сабаб бўлди. Шу билан бирга айнан мазкур омил унинг санъат соҳаса кўплаб оғир кун кечиршига ҳам асос бўлганди.

Раж биринчи марта олти ёшида «Притхви-тиэтрс» театри сахнасида роль ижро этди. Бу санъат маскани бўлажак юлдуз учун ҳақиқий мактаб вазифасини ўтади. Боиси театр труппасида ишчилар кўп бўлишига қарамай, Притхвирадж ўз ўғли Ражга ғоят қаттиққўллик билан муносабатда бўлган ва унга қатъий талаблар қўйганди. Бу ерга Раж фақат актёр сифатидагина келиб кетмас, балки сахна ишчиси, чироқчи ва фаррош вазафаларини ҳам бажарарди. Ўн тўрт ёшга кирганида Ражнинг театр актёр сифатидаги билими, иқтидори ва маҳоратига, ҳаттоки, катта-катта артистлар ҳам ҳавас билан қарай бошладилар.

Аммо отасидан фарқли равишда Раж келажакнинг театр эмас, аксинча ўзини ғоятда қизиқтирадиган ва мафтун этиб келган кино санъати билан боғлади. У 1935 йилда «Революция» фильмида эпизодик роль ўйнади. Шундан сўнг у «Бомбей Токиз» киностудиясида режиссёр ёрдамчиси вазифасида фаолият юрита бошлайди. Шу билан бир вақтда «Притхви-тиэтрс» театрида актёр ва безакчи рассом бўлиб ҳам ишларди.

1946 йилда Раж ўзининг илк режиссёрлик фильми «Аланга»ни суратга олишга бел боғлайди. Фильмдаги бош қаҳрамон йигит ролини ўзи, қаҳрамон қиз ролини эса дўсти, ўн саккиз ёшли Наргис ижро этадилар. Томошабинлар ва танқидчиларнинг қўллаб-қувватлашлари ҳамда кўмаклари билан Раж ўзининг шахсий киностудиясини очишга аҳд қилади.

Дастлаб «Раж Капур филмз» билан бирга ишлашни хоҳловчи ҳамкорлар жуда кам эди. Керакли иш қуроллари ва ишчиларнинг камлигига қарамай улар бир ёқадан бош чиқариб, тушкунликка тушмай, аксинча завқ-

шавқ билан ишга киришадилар. «Суратга олиш пайтларида кўпинча еб-ичиш ва ухлаш кераклигини ҳам ёдимиздан чиқариб қўярдик», дея эслаганди кейинчалик Раж Капур. Рассомлар, бастакорлар, хизматчилар ва кўшимча ишчилар оммавий сахналарда ҳам иштирок этар, баъзан эса кичик-кичик ролларни ҳам ўйнашларига тўғри келарди. Ражнинг ўзи эса сценарий муаллифи, режиссёр, продюсер, администратор ва фильмнинг асосий қаҳрамони эди. Унга ҳар доим Наргис кўмакдош бўлиб келган.

«Аланга»дан сўнг «Ёмғирлар мавсуми» фильми экран юзини кўради. Бу фильм ҳақида ҳинд танқидчиларидан бири шундай ёзган эди «...фильмда Раж ва Наргис кўзни оладиган даража оламга нур сочарди – худди дунёга миллион-миллион чироқлар ўрнатилгани каби ёруғ эди!»

Ва ниҳоят Капур ўзининг учинчи фильмини суратга олди ва мисли кўрилмаган шон-шуҳралар оғушида қолди. Бу фильм ўша, афсонага айланган, ҳали-ҳамон мухлислар учун севимли бўлиб қолган «Дайди» эди. Раж мазкур фильм учун иштирокчиларни ниҳоятда зийраклик билан саралаб олади. Суратга олиш ишлари 3 ой давом этади. Бу вақт мобайнида ҳинд классик мусиқа ва рақсларини ўрганиш, мураккаб, қимматбаҳо декорация қуриш ишлари ҳам амалга оширилади. Бир қанча кўринишлар катта студияларнинг павильонида ҳам суратга олинади.

1951 йили фильм Ҳиндистон экранларига чиқади ва кўз кўриб, кулоқ эшитмаган муваффақиятдан кейин уни дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам намоиш эта бошлайдилар. Фильм Канн кинофестивалида олий мукофотга муносиб кўрилади. Раж Капурнинг Бомбейдаги кичкина студиясини кўргани дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган саёҳлар денгиз каби оқиб кела бошлайдилар. Бу вақтда Раж ҳақида ҳам ҳамма жойда ёзиб, гапира бошлашган эди.

Фильмнинг муваффақияти шунда эдики, нима қилиб бўлса ҳам ҳақиқий одам бўлишни истаган ёш қаҳрамон – ёш йигитга тақдирнинг бир қатор синовларидан сўнг омад ва бахт кулиб боқади. Бундай ринг-баранг, таъсирчан ва ишониб бўлмас воқеани Раж ўзининг мислсиз истеъдоди



орқали фильмга шундай табиий ва усталик билан сингдирадики, томошабинни ишонишга ва таъсирланишга мажбур этади. Унинг дайдисиди хаётни севадиган, оптимист, содда муғомбир, ғайратли, ишонувчан ва шу билан бирга ҳимоясиз эди. Қўшиқчи, раққос ва чаққон акробат Раж Капур ўзининг кутилмаган трюклари, комик қобилияти, фантазияси, кулишлари жиддий ва баланд овозда гапиришлари билан барчанинг ёдида қолган. Шунингдек, унинг яна бир ўзига хос томони фильмнинг гўзал қўшиқлар билан бойитилгани эди. Бунинг устига режиссёр устамонлик билан улардан фойдаланган. Яъни қўшиқ асносида актёрлар кечмиши, воқеалар ривожиди ва қаҳрамон руҳиятини ҳам очиқ беришга муваффақ бўлган. Мана шу эди фильмнинг асосий ютуғи.

Шундан сўнг Раж кўплаб фильмларни суратга олди ва мисли қўрилмаган ютуқларга эришди. Унинг элга тақдим этган ижод намуналариди орасида ўзбек халқига яхши таниш бўлган «Жаноб 420» (1956 йил), «Менинг исмим масхарабоз» (1970 йил), «Бобби» (1973 йил), «Муҳаббат дарди» (1982 йил) каби кўплаб фильмлар ҳам бор эди.

Раж Капур ҳақида жуда узоқ гапириш ва ғоят кўп ёзиш мумкин. Аммо мазкур ишнинг мақсади бевосита унга боғлиқ ҳолда ўзга мавзуда фикр юритиш. Шу боис ҳам бу улуғ режиссёр ижоди борасидаги маълумотларга нуқта қўйиб, у яратган режиссёрлик мактабининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил этсак.

Одатда ҳинд киноси деган иборани эшитсак, қулоғимиз остида ҳинд қизларининг қадам товуши, оёқларига қадалган қўнғирокчалар овозиди, миллий мусиқа садолари жаранглаб, гуллар аро қўшиқ айтиб юрган йигит-қиз кўз ўнгимизда гавдаланади. Чунки айнан шу хусусияти билан мазкур халқ фильмлари дунёни забт этган. Албатта, уларнинг зафар ва ғалабаларини кўрган бошқа миллат, жумладан, ўзбек режиссёрлари ҳам ўз фильмларида худди шу усулдан фойдаланишга ҳаракат қилишган. Масалан, «Тоғлик куёв», «Шаббона» ва. ҳ.к. Бироқ, уларнинг ҳеч бири ҳинд киноси бўла олмади. Уларга ўхшай олмади. Айнан шу ерда юқоридаги

мулоҳазаларимизни асослаб кетиш имкони туғилади. Яъни кимларнингдир кўзга оддий кўринган усулни қўллаш, содда кўринган фильмни яратиш учун кучли билим, маҳорат ва топқирлик керак. Ана шундагина ҳар қандай ёлгон сюжет ҳам, тўқима воқеалар ҳам томошабинни ишонтира олади.

Бугунги кунда ҳам қизгин фаолият олиб бораётган Болливуд ижодкорлари айнан Раж Капур асос солган андоза асосида ишламоқдалар. Йилдан-йилга уни бойитиб, шакллантириб, ривожлантириб бормоқдалар. Шу боис ҳам техника ҳамда улкан актёрлик мактабига эга бўлган бошқа киносаноат асарлари орасида ҳам улар ўз мавқеи ва томошабинини доимгидай, керак бўлса, ундан ҳам кўпроқ сақлаб келмоқдалар. Чунки бу мактабда режиссёрлик соҳаси бўйича Раж Капур сингари пухта билим берилади. У каби санъатнинг турли жаҳбалари ва йўналишларини бевосита амалиёти билан ўргатилади. Фақатгина режиссура эмас, актёрлик, кўшиқчилик, рақослик, безакчи, рассом, оператор ва чироқчилик каби соҳалар ҳам уларнинг онгига сингдирилади. Шу билимлар туфайли режиссёрлар бадий ва ижро савияси юқори бўлган ижод маҳсулларини элга тақдим этадилар.

Маълум бўлишича, Ҳиндистоннинг кўзга кўринган ва дунёга донғи кетган актёрларининг кўпчилиги санъат соҳасида умуман тахсил олмаганлар. Уларни бу соҳага кучли қизиқиш ва интилиш олиб келган. Аммо шунга қарамай улар ўзларининг бемисл қобилиятлари ва ижро маҳоратлари билан дунёни ларзага солганлар. Актёрлик соҳасида йиллаб билим олган айрим касбдошларидан ҳам илгарилаб ақл бовар қилмас муваффақиятларга эришган. Масалан: Дхармендра Деол, Ражеш Кханна, Амиабх Баччан, Митхун Чакроборти, Наргис, Вижайантимела, Бабита, Димпл Кападиа каби кўплаб ижодкорлар ана шундай кинога қизиқиш ва улкан хоҳишлари билан кириб келганлар. Юрагида бир олам орзусидан, гўзал қад-қомат ва латофатидан бошқа ҳеч нимаси бўлмаган бу ёшларнинг барчаси режиссёрларнинг билими, изланишлари боис буюк актёр бўлиб етишдилар. Чунки уларнинг юраклари туб-тубида яшириниб ётган

қобилиятларини айнан режиссёрлар усталик билан юзага чиқарган. Демак, ҳинд киноларининг муваффақиятини айнан режиссёрларнинг меҳнатлари таъминлаши айна ҳақиқат. Тўғри, томошабин билан юзма-юз бўладиган, уларни экран қаршисига михлайдиган ёки у ердан тезроқ кетиб қолишларига сабаб бўлувчи албатта актёрлар ҳисобланади. Аммо уларнинг юксак ижролари, томошабин билан юзлашгандаги барча кечинмаларига айнан режиссёрлар етакчилик қилишади. Режиссёр актёрдан ҳам, тасвирчидан ҳам, рассом, борингки, барча-барча ижодкорлар олдига вазифа қўйишни ва талаб қилишни яхши билади. Шунинг учун ҳам улар яратган кинолар ғоят табиий ва ҳаётий акс этади. Шунинг учун ҳам экранда рўй бераётган ёлғон воқеаларнинг ёлғон эканлигини билиб туриб томошабин ишонади. Кўзига ёш олади ёки қувонади. Халқимиз ҳиндларнинг урф-одати, расм-русумлари, байрамлари, хатто, маросимлари ва диний қўшиқларини ҳам ёддан билишади. Аммо ўзимизнинг миллий қадриятларимиз борасидаги саволларга тўла жавоб бера олишмайди. Ёки ўз динимизга оид бирор сурани охирига қадар ёддан айтиб беролмайдиганлар бор. Нега шундай? Чунки ҳиндлар ҳар бир фильмида, ўша “ёлғон-яшиқ” воқеалар қаторида ўз миллий урф-одатларини, турмуш тарзини ва диний удумларини ҳам батафсил кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳам уларнинг тарихи ва миллати борасида бутун дунё халқи кўп маълумотларга эга. Юқорида уларнинг бу қадар дунёга донг таратишларига Раж Капур асос солган мелодрама жанрини асос сифатида келтириб ўтдик. Аммо фақат шу унсургина уларни дунё кино бозоридаги юқори рейтингини ушлаб тургани йўқ. Бунга уларнинг ўзига хос яна бир ёндашувчи сабаб бўлмоқда. Буни эса ҳар бир фильмда очикдан-очик кўриш мумкин. Бироқ негандир бизнинг режиссёрлар улардан бой ва камбағал ўртасидаги муҳаббат можароси ёки қўшиқ айтиб, рақсга тушишларини ўзлаштирадилару аммо энг асосий жиҳатга эътибор ҳам беришмайди. Келинг, мулоҳазаларимизни бир неча мисоллар орқали асослаб кетамиз.

Ҳинд киноларининг ютуқларидан бири, бошқа миллатларга ҳам ўз халқини яхши танитган омил бу фильмларда ҳар доим миллийликнинг қайсидир кўришини акс эттиришдир. Агар эътибор берган бўлсангиз, деярли барча ҳинд фильмларида қаҳрамонлар ўз миллатидан, ўз ватанидан, ўз урф-одатларидан фахрланадилар. Унга ҳар доим амал қиладилар. Оддий қаҳрамоннинг икки оғиз гапи ёки оддий турмуш тарзи орқали режиссёр миллатининг энг асосий сифатларини очиб беради. Бундан ташқари, улар томошабин кўз ўнгида ватанпарвар, ҳаётдан миннатдор, ўйин-кулгидан боши чиқмайдиган қувноқ халқ сифатида гавдаланади. Улар аксари фильмларини юртининг чиройли гўшаларининг тасвири билан бошлашади. Ваҳоланки, уларда бундай манзиллар бармоқ билан санарли. Аммо бизда-чи? Бизда эса асосан вайроналар, қишлоқлар, нураган девор ва бузилган машиналар тасвири билан фильм сюжети бошланади. Нима, миллийлигимизни кўрсатиш учун нураган девордан бошқа нарсамиз йўқми? Фильмнинг бошланишидаги тасвири муҳим аҳамиятга эга эканлиги исбот талаб қилмас ҳақиқат-ку. Унда нега ана шундай оддий қоидаларга риоя қилмаймиз?

Ҳинд фильмлари ва уларнинг режиссурасидаги ўзига хослик ҳақида фикр юритар эканмиз, мулоҳазаларимизни “Уч савдойи” фильми мисолида асослашга ҳаракат қиламиз.

Режиссёр Раж Кумар Хирани томонидан тасвирга олинган фильмда бош ролларни Болливуднинг атоқли артистлари Амир Хон ва Карина Капур, иккинчи даражали ролларни эса қатор актёрлар ижро этишган. Фильм номига номуносиб тарзда савдойи, яъни тентаклар ҳақида эмас. Аксинча, соғлом, ўқимишли тентак йигитларинг буюк дўстлиги ҳақида бўлиб, воқеалар ривожини орқали инсонийликнинг жирканч иллатлари танқид остига олинади. Ва томошабинларга одамийикдан сабоқ беради.

Унда намоёиш этилаётган дўстлик, беғараз муносабатлар ва мусаффо севги барчада ҳавас уйғотади. Ўз дўстига хиёнат қилишни хоҳламаган йигитлардан бири бундай пасткашлиқдан кўра ўлимни афзал билса, яна

бошқаси дўсти ва унинг келажаги учун қатъий ҳаракат қилади. Ва унинг бир умр армон бўлиб қолаётган орзуларини рўёбга чиқаради. Фильмнинг аҳамиятли томони шундаки, йигитларнинг қалин дўст бўлишлари ва бир-бирларига ёрдам беришлари учун ҳеч қандай қурбонлик ҳам, молу-давлат ҳам талаб қилинмайди. Аксинча, уларнинг ўзаро муҳаббатлари ва эзгу ниятлари боис ораларидаги ришта тобора узилмас бўлиб боради. Бу орқали режиссёр эзгулик қилиш ҳаммининг ҳам кўлидан келиши, бунинг учун фақатгина кучли хоҳишнинг ўзи ҳам кифоя қилишини исботлаб беради. Бундан ташқари, томошабинни эзгуликка, саҳоватга чорлайди.

Ёки 1997 йилда экранлар юзини кўрган режиссёр Каран Жохарнинг “Салом шодлик, салом ғам” фильмини олайлик. Унда таниқли актриса Кажол талқинидаги Анжали образида ҳам ҳинд миллатининг кўп жиҳатлари ёркин бўёқлар билан очиб берилган. Айниқса, бу ҳолат унинг оиласи билан Англияда ҳаёт кечираётган вақтларда моҳирона кўрсатиб берилади. Яъни ҳар куни тонг саҳарлаб ибодат қилишни ва диний ибодат кўшиқларини куйлашни қанда қилмайди. Ваҳоланки, унинг бу юртга келганига 10 йилдан ошган бўлади. Аммо у ўзининг ҳинд эканлигини унутмайди ва бундан фахрланади. Шунинг учун ҳам ўғлининг инглизларга эмас, ҳиндларга ўхшашини чин дилдан хоҳлайди. Бу йўлда эса уни ҳеч нима тўхтатиб қололмайди. Шунинг учун фарзандига миллий урф-одатлар ва кўшиқларни ўргатади. Норозилик билдирган эрига эса “Мен ҳиндман ва буни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман. Шундай экан болам ҳам ўз миллати ва миллий қадриятарини тўла билган ҳолда улғайиши шарт” деган қатъий жавобни беради. Юқоридаги мисоллар орқали эса шу нарса ойдинлашадики, Bolliwoodда шунчаки фильмлар олинмайди. Уларнинг замирида маблағ орттириш ва албатта, ўз миллати ҳамда юртини дунёга намуна қилиб кўрсатиш мақсади ётади.

### **Назорат саволлари**

1. Америка Қўшма Штатларида кино ва театр мутахассислари қандай ўқитилади?
2. Танлов таълими ва кредит системаси нима?
3. Ҳиндистон киноиндустрияси мутахассислари қандай тайёрланади?
4. Арт хаус, мейнстрим, муаллифлик киноси тушунчалари ҳақида нималар биласиз?
5. Кино санъати ва кино саноати: умумийлик ва ўзига хосликлари борасида мулоҳазаларингиз?

### **3-мавзу. Европа мамлакатларида санъат таълими тажрибалари. Шарқ мамлакатларида маданият ва санъат таълими.**

#### **Режа:**

- 3.1. Хориж давлатларида санъат таълимнинг етакчи хусусиятлари
- 3.2. Япония таълим модели.
- 3.3. Санъат таълимида иқтидор масаласи.
- 3.4. Дифференциал ва индивидуал таълим.
- 3.5. Интеграция - хорижий таълим асоси сифатида.

**Таянч иборалар:** таълим модели, интеграция, дифференциаллашган таълим, индивидуал таълим, иқтидор, қобилият, табақаланган таълим.

#### **3.1.Хориж давлатларида санъат таълимнинг етакчи хусусиятлари**

Ҳар бир мамлакатнинг санъат йўналиши таълими ғоявий-сиёсий жиҳатдан қатъий назар инсон онгидаги эстетик дидларни шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Ҳар бир халқнинг мусиқа тарбияси методикаси педагогиканинг дидактик қонуниятларига ва шу халқнинг миллий мусиқа маданияти тили ва маданий анъаналарига асосланади. Шу билан бирга мусиқа тарбиясининг структурали тизими ва илмий - методик ютуқлари бошқа миллатнинг маърифий маданиятига ҳам ижобий таъсир қилади. Хорижий мамлакатларда ягона ўқув режа ва дастурга амал қилинмайди. Давлат мактаблари билан бирга шахсий коллежлар ва олий таълим даргоҳлари мавжуд бўлиб, турлича даражада эстетик тарбияни амалга оширишда ўқувчига кенг ижодий эркинлик берилган. Ўқитувчи ўзининг шароити имкониятлари ва ўқувчиларнинг билим даражасига қараб дастурга ўзлаштиришлар киритиши мумкин. У тарбия жараёнида ўқувчиларда санъат орқали ҳаётни ва унга шахсий муносабат билдириш ижодий муносабатда бўлиш малакаларини ривожлантиради. Мусиқа фанидан мақсад асосан ўқувчиларда ижодий қобилиятни рўёбга чиқаришдан иборат. Жумладан АҚШ да ягона давлат дастури йўқ. Мусиқа таълими “эстетика” сифатида қўйилади. Унда мусиқа

тасвирий санъат ва меҳнат билан мазмунан боғланган. Давлат мактаблари билан бирга диний ҳамда шахсий дунёвий мактаблар ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳар бир мактабда, давлат мактабларида шахсий ва диний мактабларда ўқув ҳаракатлари ҳам бир хил эмас. Ўрта ҳисобда I-VII синфларга ҳафтасига 4-2 соатдан дарс ўтилади. Дарсдан ташқари ҳар бир ўқувчи мусиқа тўғараклари (хор, оркестр, ракс, вио) га аъзо бўлиши мумкин. Шунингдек бир мактабда симфоник оркестр мавжуд.

Японияда ҳам ягона ўқув режа ва дастурга амал қилинмайди. Японияда мусиқа тарбиясининг ўзига хос системаси вужудга келган. Уларда болалар боғчасидан олий таълимгача эстетик тарбия амалга оширилади. Эстетик тарбия интеграция қилинган фан бўлиб, унга мусиқа, тасвирий санъат ва меҳнат узвий бирлашган. У бир неча босқичда амалга оширилади:

- а). 1-5 ёшгача болалар боғчасида;
- б). 6-14 ёшгача тўлиқсиз ўрта мактабда;
- в). 15-18 ёшли болалар ўрта мактабида;
- г). 18-23 ёш - олий таълим мактабида.

Болалар боғчасида «Суздуки» тизими машҳурдир. Бу тизимга кўра она тилини ўқитилиши мусиқа тинглаб идрок этиш орқали амалга оширилади. Болалар чолғу асбобларида куй чалишди ҳамда роль ўйнайдилар. Машғулотлар жараёнида болаларнинг онаси ҳам иштирок этиб, унинг мазмуни ва мақсадидан огоҳ бўлади, сўнгра шуғулланишни (яъни куйлашни) оилада ҳам давом эттиради. Суздуки тадбирларида оналарнинг мусиқа маълумотига эга бўлишлари шарт эмас. Оилада грамзапись, телевидение, концертларда тингланган асарларни муҳокама этадилар. Бунда боғча ва оиланинг ҳамкорлиги ҳам роль ўйнайди. Натижада 5-6ёшли болалар Бетховен сонаталарини чалишга эришадилар. Юқори синфларга кўчган сари эстетик тарбия ҳам ҳар бир предмет сингари мураккаблашиб боради. Синфларда рассомчилик, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъати, мусиқа санъати танқидчилари етишади. Ўқитувчи кадрлар тайёрлаш иши ҳам Японияда яхши йўлга қўйилган. Улар асосан мамлакат олий педагогика ва санъат институтларида таълим оладилар, шунга



қарамай ривожланган Европа мамлакатларига бориб, ўз малакаларини оширадilar.

### **3.2. Япония таълим модели.**

Бошқа қатор ривожланган мамлакатлар қатори Японияда оммавий ўрта мактабларнинг яратилиши таълим-тарбия дифференцияси муаммосини янада кескинлаштирди. Бундай ҳолат умумий таълим диверсификациясининг сифат даражаси бошқача тизим заруратини келтириб чиқарди. Ўқувчиларнинг иқтидори, қизиқиши, ўзлаштиришига кўра дифференциал тайёргарликни кучайтириш ва мураккаблаштириш - замонавий мактабнинг глобал йўналишига айланди.

Дифференциянинг асосий шакллари - ўқув муассасаларини турли типларга бўлиш, бир мактаб ичида поток ва профилларга, синфда гуруҳларга ажратиш назарда тутилади. Дифференциал таълим муаммоси бир хил ҳал бўлмайди ва қарама-қаршиликларга эга. Ижтимоий томондан дифференция ижтимоий танлов усулига айланади. Пулли таълим ва имтиҳонлар тизими бунда танлов воситаси бўлиб ҳисобланади. Одатда табақаланиш (дифференция) бошланғич мактабни битиргандан кейин бошланади. У турли типдаги таълим муассасаларида амалга оширилади. Масалан: Англияда грамматик ва замонавий мактабларда, Германияда реал билим юрти, гимназия ва асосий мактабларда, Францияда технологик, касбий ва умумтаълим лицейларда, Россияда оддий ўрта мактаб, лицей, коллеж, гимназияда ва б. Бу ўқув муассасаларида дифференциянинг асосий ўзига хос белгиси дастурлардир. Бир ўқув муассасаси доирасида дифференция кенг ёйилган.

Масалан, АҚШ ва Япония катта ўрта мактабларида 2 типдаги умумтаълим ва махсус дастурлар мавжуд. Улар турли қирраларда ўқувчиларнинг турли гуруҳларини ўрганишади. Германияда гимназия таълимнинг 6 профилини таклиф этади, асосий мактаб эса дифференцияни ККАМ тизими асосида амалга оширади. Унга кўра таълим дастурнинг қуйидаги вариантларига кўра ташкил қилинади: касбий курс(К), кенгайтирилган курс (К), асосий курс (А), мослаштирилган курс (М).

Тўлиқсиз ўрта мактаб дифференция воситаси ҳисобланади. 1930 йил АҚШда, 1950 йил Японияда, 1970-1980 йиллар Фарбий Европада, 1990 йил Россияда дифференциал таълим амалга ошириладиган ўқув муассасалари пайдо бўла бошлади. Бу ерда гап АҚШ ва Япониядаги кичик ўрта мактаб, Буюк Британиядаги бирлашган мактаб, Германиядаги ягона коллеж, Россиядаги 6 йиллик ўрта таълим мактаби ҳақида кетяпти. Бу каби таълим муассасаларида 11-12 ёшдан 15-16 ёшгача бўлган ўқувчилар ўқитилади. Бу ўқув муассасаларда табақаланишнинг педагогик асоратлари ижобий. Табиий мақсадга йўналтирилган характерга эга, турли гуруҳ ўқувчилари имкониятлари ҳисобга олинади. Умумий дастур ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини оширишга мўлжалланган. Масалан, Франциядаги илк ягона коллежларда яхши ўзлаштирувчилар фоизи шу ёшдаги параллел таълим муассасаларида яхши ўзлаштирувчилар сонидан юқори чиқди. АҚШ ва Япония кичик ўрта мактабларида тўлиқсиз ўрта таълим берилади. Мазкур дастур қатор афзалликларга эга. Танлов фанлар таълимни давом эттириш ёки меҳнат фаолиятини бошлашни назарда тутаяди.

1950 йил охирида ДЖ.Конант бошчилигидаги педагоглар гуруҳи умумқамраб олувчи мактаб моделини таклиф этди. Бу модель бўйича умумтаълим ўқув муассасасида ижтимоий даража, қобилият, қизиқишидан қатъий назар барча болалар ўқишади, лекин турли-туман таълим дастурлари амалга оширилади. Конант тавсиялари АҚШдаги кичик ўрта мактабларда дифференциал таълимни жорий қилишда фойдаланилди. Буюк Британияда бирлашган мактаблар кичик грамматик синфлар ва замонавий мактабларни ўз ичига олади. Илк 3 йилликда ўқувчилар замонавий мактаб дастури бўйича шуғулланадилар, кейин ёки шу дастурни давом эттиради, ёки грамматик мактаб дастури бўйича ўқишади. Бирлашган мактабларда ёшига кўра 90% ўсмирлар шуғулланадилар.

Германияда умумий мактабларда ёшига кўра 5% ўқувчилар таҳсил олишади. Умумий мактабнинг кооператив ва интеграл типлари юзага келди.

Кооператив мактаблар асосий, реал мактаб ва гимназияларни бирлаштирди. 9-синфдан кейин ўқувчилар асосий мактабдаги каби диплом оладилар, 10-синфдан кейин эса диплом реал мактаб ва гимназиянинг ўрта босқичига тенг келади. Кооператив мактабларда машғулотлар мажбурий ва электив дастур биргалигида амалга оширилади.

Францияда ягона коллежларда гуруҳ бўйича таълим доимий ташкил этилади. Турли типдаги гуруҳлар тузилади: гомоген гуруҳлар – тайёргарлик даражаси бир хил, ярим гомоген гуруҳлар – тайёргарлик даражаси яқин, гетероген – тайёргарлик даражаси ҳар хил. Гуруҳларга ўқитувчилар, психологлар, йўналишлари бўйича маслаҳатчилар тавсиясига кўра бўлинади.

Гуруҳлар мактаб дастури вариантларини ўзлаштирадилар. Иккита битирувчи синфда кучли ва кучсиз босқичли гуруҳлар юзага келади. Бу икки хил гуруҳни битирган коллеж ўқувчиларига таълимнинг кейинги типлари тавсия этилади.

**Дзюку («школа мастерства») – репетиторская школа.**

- Здесь каждый день после школы занимаются ученики от 3 до 18 лет.
- Специально нанятые учителя добавляют к школьным знаниям новые, чтобы ученик блеснул на экзамене.



Япония мактабларида гуруҳли таълим яхши мавқега эга, уни мусобақа тарзида ташкил этишади. Синфдаги гуруҳчалар ким кўп инглиз тилидаги сўзлар, иероглиф ва шеър ёд олиш бўйича беллашадилар. Баҳо бутун гуруҳга қўйилади. Япон педагоглари гуруҳли таълимга ҳар хил нуқтаи назар билан қарашади. Гуруҳли таълим педагогик жиҳатдан тўғри, лекин гуруҳларда шуғулланувчи болалар ва ўсмирлар дунёқарашини торайтириш хавфи бор, деб ҳисоблашади. Масалан, гуруҳни кучлилар ва заифлар гуруҳига бўлганда 2та ҳолат юзага келади: ёки кучлиларга, ёки кучсизларга эътибор қаратилади, бу ҳар иккала гуруҳга ҳам зарар.

Чилида таълим интизоми (Флоренс Торч, Алехандро Мизала). Чили таълим тизимининг ўзига хос ташкилий тузилмаси мавжуд. Чили таълим тизимида 1981 йилда ташкилий ўзгаришлар амалга оширилди, яъни ҳукуматнинг марказлашган назорати остида бўлган таълим тизими маҳаллий ҳокимият томонидан назорат қилинадиган универсал ваучер тизимига ўтказилди. Ҳозирги кунда, таълим муассасалари ижтимоий-иқтисодий қатламларга бўлинган. Булар камбағаллар ўқийдиган давлат мактаблари, ўрта қатлам таҳсил оладиган ваучерли давлат мактаблари ва бойлар ўқийдиган хусусий таълим даргоҳларидан иборат. Чилида талабалар орасидаги зўравонлик индексининг юқори даражада бўлиши, Чили мактабларида кенг тарқалган безориликнинг натижаси бўлиши мумкин. Чили мактаблари кескин табақалашуви билан фарқлансада, бойлар таҳсил оладиган мактаблардаги тартиб қуйроқ мактабларга нисбатан унчалик ҳам фарқ қилмайди. Ўз навбатида, қишлоқдаги тартибсизлик кўрсаткичи шаҳарга нисбатан анча камдир.

Исроилда таълим интизоми ва ютуқлар (Ёсси Шавит, Кармел Бланк). Исроил таълимидаги интизомий иқлим ва талабаларнинг ютуқлари орасидаги кучли ва муҳим боғлиқлик мавжуд. Тест натижалари раҳбарларнинг талабаларнинг машғуллиги юзасидан қилган ҳисоботлари ва ўқитувчиларнинг синф интизоми ҳисоботининг салбий боғлиқлигини кўрсатади. Талабалар орасидаги ва талабалар томонидан ўқитувчиларга нисбатан амалга оширилган зўравонлик оммавий ахборот воситалари томонидан сўнгги йилларда кўп ёритилиб келинмоқда. Исроил талабалари итоаткорлик ва эҳтиром борасида аралаш маълумотларни қабул қиладилар. Мактабларда, Исроиллик талабалар айна ҳисоботда ҳам интизоми учун, ҳам фанлари учун баҳоланади. Ўз навбатида интизом баҳоси қониқарли кўрсаткичдан паст бўлса, талабалар сафидан чиқарилиши мумкин. Бошқа тарафдан, исроилликлар мустақил ва жасурликни қадрлайдиган сабрли ёшлар маданиятига жуда катта аҳамият берадилар.

Италия таълим даргоҳларида иммигрантларнинг мавжудлиги, интизоми ва фаолияти (Паоло Барбиери, Стефани Шерер). Италия талабалари орасидаги зўравонлик академик фаолиятга катта тўсқинлик қилади. Юқори даражадаги зўравонликнинг салбий таъсири иммигрант талабалар фаолиятидаги ўткир масаладир. Улар маҳаллий италияликларга нисбатан кўпроқ зўравонликка дуч келади ва академик кўрсаткичлари ҳам нисбатан пастроқдир. Италиядаги иммигрантлар дунёнинг ҳамма ераларидан келганлар. Уларнинг каттагина қисми Марокаш, Хитой, Руминия, Украина, Молдова, Ҳиндистон ва Филлипиндан келган. Шунингдек, шимолий ва жанубий Италия орасидаги фарқ ҳам драматик кўринишга эгадир. Жануб шимолга нисбатан камроқ молиявий ресурсларга эга бўлганлиги боис шимолдан анча ортда ва бу қолоқликни таълим соҳасида ҳам кўриш мумкин. Жанубда, талабалар, ўқитувчилар ва раҳбарлар, шимолдагиларга нисбатан таққосланганда, юқори даражадаги тартибсизликларни қайд қиладилар.



Японияда таълим интизоми ва академик ютуқлар (Хироши Ишида, Сатоши Мива). Япония таълим даргоҳларида тартибсизлик ва жинойтларнинг содир бўлиш даражаси жуда паст эканлиги кўрсатилган. Япония мактабларидаги юқори даражадаги тарбия ота-оналар, таълим даргоҳлари ходимларининг ўта талабчанлиги, ҳамда ўрта таълим ва ундан кейнги таълим даргоҳларидаги иерархал тартибланиши сабабдир. Япон таълим даргоҳларида талабалар орасидаги хулқбузарлик даражасини ёритиш осон эмас. Японияда, таълим интизоми муҳити талабанинг ютуқларига тўғридан-тўғри таъсир

ўтказмайди. Нима бўлганда ҳам, зўравонликни бошидан кечирган талабалар тест натижалари зўравонликка ҳеч ҳам учрамаганларга нисбатан пастроқдир.

Голландияда таълим интизоми муҳити, тарбиявий муаммолар, ва академик ютуқлар (Герман Г. Ван де Верфборст, Макбтелд Бергстра, Рене Веенстра). Голландияда таълим интизомий муҳити талаба фаолиятига фақат озгина таъсир ўтказиши, талабалар гуруҳининг таркибига бўлган таъсири мустақиллигини кўрсатади, ҳамда голландларнинг таълим тизимидаги уникал тузилма талаба фаолиятига чегараланган, яъни кам таъсир ўтказишини кўрсатмоқда. Голландияда таълим тизими юқори даражада стандартлаштирилган; шунга қарамай мактаб даражасидаги автономияга кўпроқ жой мавжуд. Таълим даргоҳларида драматик кўринишда фарқлилик мавжуддир. Ҳам академик, ҳам касб-ҳунарга йўналтирилган таълим муассасаларига нисбатан фақат академик йўналишни таклиф қиладиган таълим даргоҳларида юқори даражадаги таълим хавфсизлиги таъминланган.

Умуман олганда, Япония таъли модели ўта юқори даражадаги қурилмаси билан бошқа ривожланган мамлакатлар тизимидан ажралиб туради.

### **3. 3. Санъат таълимида иқтидор масаласи.**

Иқтидорли болалар бу - умумий ва махсус қобилиятларни ўзида мужассам этган болалардир. Улар бошқа болалардан қуйидаги белгилари билан ажралиб турадилар:

1. Концептуал ақл – ходисаларнинг мантиқий, математик, лингвистик масалаларини яхши хал қилиш иқтидори;

2. Эстетик ақл – ходисаларнинг шаклини билишга интилиш, лекин ҳар доим ҳам уларнинг сабаблари билан қизиқмаслиги;

3. Ижтимоий ақл (социал) – асосий диққат шахслараро муносабатларда жамланган бўлиб, инсон тақдири, мақсадлар ва қадриятлар билан боғлиқ қарорларни мустақил қабул қилиш салоҳияти.

Муаммоли таълим ҳам ана шу ақлнинг қай бирини ривожлантиришга қаратилганлиги билан бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Ҳозирда ривожланган мамлакатларда кичик ёшлиқдан боланинг IQ – интеллект коэффиценти –(билим қабул қилиш, янги билим яратиш ва уни самарали ишлатиб бой бўлиш қобилияти)га алоҳида диққат қаратилмоқда.

Инновацион ривожланиш узлуксиз таълимга янги талаблар қўяди. **Мактабгача таълимдан** бошлаб болани қобилиятини соҳасини аниқлаб, уни ҳар йил ривожлантириш (интеллект коэффиценти - IQ) ва оддий маиший инглиз тилини ўргатиш. **Умумий ўрта таълимда ва лицейларда (11 йил)** янги билимлар бериш билан бирга **қобилиятни (IQ) ривожланиш омилларини** ҳар йил ҳар бир ўқувчи учун таҳлил қилиш, билимларни ва қобилиятни ишлатиб бой бўлишга қизиқтириш. Қобилиятига ва қизиқишига мос олий таълим муассасаси ва касб-ҳунар коллежида касб танлашига тавфсиялар бериш. 5-синфдан бошлаб мустақил “ESSAY” ёзишни ўргатиш (ҳар йил сўз ўлчовини ошириш ва мукамаллаштириш). Ёзма ва оғзаки инглиз тилини ривожлантириш. **Коллежларда (6 ойдан 2 йилгача)** “устоз-шогирд” тизимини жорий этиб, ишлаб чиқаришни масъулиятини ошириб, Ўзбекистонда бор инновацияларни ишлатишга ўргатиш ва ишга жойлаш.

**Олий таълим (ОТМ) бакалавриатида абитуриентлар** учун тест синовларини адолатлаштириш: барча ОТМга (ижодий ОТМдан ташқари) қабул баллари ягона бўлиши ва бир йилдан сўнг мутахассисликларга бўлинишини таъминлаш. Ижодий ОТМларда эстетик иқтидорни юқори ўринга қўйиш. Санъат даргоҳлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиб, интеграцияга алоҳида диққат қаратиш (ижодий амалиётлар, йирик санъаткорларнинг махсус курсларини ташкил этиш). 2-босқичдан бошлаб хорижий таълим тизимидаги инновацияларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш. Барча мутахассисликларда инглиз тилини чуқур ўргатишга аҳамият бериш.

**Магистратурада** ўқишни тўлиқ инглиз тилига ўтказиш (Корея, Япония, Германия тажрибаси). Устоз-шогирд хорижий инновацияларни модернизациялашга ҳаракат қилиб, хомийлар ёрдамида жорий этишга ҳаракат қилиш.

Олий таълимдан кейинги таълим:

**Докторантурада (PhD, DrS)** янги илмий ғоялар ва инновацияларни ихтиро қилиш, самарали жорий этиш ва экспорт қилиш.

Германияда 10-12 ёшдан бошлаб иқтидорли болаларни (IQси 130 балдан баланд) ажратиб олиб, Берлин Anna-LinCh-Schute мактабида махсус методикалар орқали қобилиятини ривожлантирилади. Буларнинг номи “Европа иқтисодиётини 80 умидлари”. Бу тариқа иқтидорли болаларни “бизнинг буюк келажагимиз” деб Корея, Сингапур, АҚШ, Австралия, ХХР ва бошқа ривожланган давлатларда ҳам тайёрлаш йўлга қўйилган.

### **3.4. Дифференциал ва индивидуал таълим.**

Педагогик жараёнда талабаларга индивидуал ва дифференциал ёндашув шахс ривожланишида муҳим омил ҳисобланади, чунки айнан шундай ёндашув ёшлардаги иқтидор ва қобилиятни кўра билиш, шахс ривожланишига шароитлар яратишни назарда тутаяди.

Босқичлик дифференция технологиясидан фойдаланишнинг асосий мақсади ҳар бир талабани ўзининг имкониятлари ва қобилиятлари даражасида ўқитиш бўлиб, натижада ҳар бир таълим олувчи ўз иқтидорига кўра билим олиш ва шахсий салоҳиятини амалга ошириш (қўллаш олиш) имкониятига эга бўлади. Мазкур технология таълим жараёнини янада самаралироқ бўлишига хизмат қилади.

Индивидуал ва дифференциал ўқиш бир хил эмас. Дифференциал таълим –ўқув жараёнини ўқувчилар гуруҳининг етакчи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш бўлса, индивидуал таълим ҳар бир ўқувчининг қобилияти, иқтидорига қараб берилаяди. Ишни самарали ташкил қилиш учун дастур, дарслик, дидактик материалларнинг янги вариантлари яратилади.

Дифференциал, яъни табақалаштирилган таълим сўзи латин тилидан “дифферент”, бутунни қисм, шакл, босқичларга бўлиш маъносини англатади.

Кейинги йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, таълим олувчи учун энг қулай шароитларни таъминлайдиган ўқув жараёни бу дифференциал таълимдир.



Дифференциал таълимнинг мақсади: талабаларнинг индивидуал хусусиятларини, яъни иқтидори ва қобилиятини ҳисобга олиб ўқув жараёнини ташкил қилиш.

Дифференциал таълимнинг вазифалари: талабанинг ўзига хослиги (индивидуаллигини) кўриш, ўз кучига ишонишга ёрдам бериш.

Дифференция таълим педагогдан талабаларнинг индивидуал қобилиятлари ва ўқиш имкониятларини (диққат, фикрлаш, хотира ва бошқаларнинг ривожланиш даражаси), билим, кўникма, малакалар даражасини ташкиллаштиришни ўрганишни талаб қилади, бу эса коррекцион самарага эришиш мақсадида келгуси индивидуаллаштиришни амалга ошириш имконини беради.

Дифференциал таълим аслида мактабдан бошланади. Маълумки, болалар мактаб дастурларини ўрганишга турли тайёргарлик билан келишади. Статистикага мурожаат этадиган бўлсак, ўқувчиларнинг 65% мактабга бир хил психик ривожланиш билан келади ва бу меъёр ҳисобланади; 15% - кам ёки кўп даражада бу босқичдан ўтади; 20% болалар, аксинча кам бўлади.

Амалиёт тасдиқлашича, ривожланишнинг барча босқичлари бўйича маъёрий кўрсаткичга эга бўлган болалар фақат китобларда бўлади. Одатда ҳар бир болада у ёки бу оғишишлар (оз миқдорда бўлса ҳам) бўлиб, келгусида ўқишдан орқада қолишга олиб келиши мумкин. Ўқувчиларнинг мактабдаги ўқув жараёнига тайёргарлик даражаси бир хил эмас ва йилдан-йилга кўрсаткич пасайиб кетмоқда. Баъзиларда тайёргарлик даражаси кейинги ўқишдаги муваффақиятларига мос келади, баъзиларида меъёрга аранг етиб боради. Дифференциал ёндашувни амалга ошира туриб, педагог қуйидаги талабларга амал қилиши керак:

- таълим учун яхши муҳитни яратиш;
- ҳар бир бола ўзидаги имконияти ва қобилиятига кўра ўқиши, ундан нима кутилаётгани ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- ўқув жараёнида мотивация бўлиши учун ҳар қандай талаба ёки ўқувчи билан яқиндан мулоқотда бўлиши;

- турли даражадаги таълим олувчиларга уларнинг имкониятларига мос дастурларни эгаллашлари таклиф этилиши лозим.

Дифференциянинг муҳим йўналиши бу тўлдирувчи таълим бўлиб, ўзлаштира олмайдиган ўқувчиларга нисбатан қўйилган қўшимча педагогик ҳаракат ҳисобланади. Тўлдирувчи таълим - ўқувчиларнинг қониқарсиз тайёргарлиги, ўзлаштиролмаглигига қарши жавобдир. Таълим дастури раҳбарларининг бир овоздан таъкидлашича, доимий ва масштабли тўлдирувчи таълимга ассигнования, яъни маблағ етарли бўлса, унинг самараси янада юқори бўлади. Тўлдирувчи таълим амалиёти мактаб ва оила ҳамкорлигини назарда тутади, психология, ориентация, индивидуал ёндашув бўйича мутахассисларни жалб қилади. Тўлдирувчи таълим шаклларида бири бир синфда такрор ўқийдиганларга таълим беришдир.

АҚШда бошланғич мактабларда бир синфда икки йил ўқиш деярли йўқ. Францияда синфда қолиш бошланғич мактабнинг юқори синфларда, коллеж ва лицейларда мавжуд. Бошланғич мактабда қайта ўқиш ҳақидаги қарорни ўқитувчилар, ўрта ўқув муассасаларида ота-оналар розилиги билан ўқитувчилар қабул қиладилар. Агар ота –оналар норози бўлса, масалани махсус комиссия ҳал қилади.

Японияда синфда қолиш ҳолати унчалик кўп учрамайди. Японияда ким тўлиқ умумий таълим олмоқчи бўлса, оддий мактаб билан чегараланмайди. У албатта тўлдирувчи таълим учун хусусий репетитор мактаби-дзюкуга боради. Дзюкуда кўпинча иқтидорли талабалар дарс беради. Мактаб битирувчилари ва омадсиз абитуриентлар учун репетитиорлик муассасалари-ебъекулар университетга тайёргарликка йўналтирилган. Нуфузли Токио ебъекуларида ҳар йили 150.000гача ўқувчилар таҳсил оладилар. Ўқитувчилар таркибида етакчи университет профессорлари бор. Дзюку ва ебъеку хизматларига мурожаат қилишдан мақсад қандай қилиб бўлса ҳам олий маълумотли бўлишга интилишдир. Ота –оналар болаларини тўлдирувчи таълимга беришининг сабаби оддий мактабнинг камчиликлардан холи эмаслиги, дзюкуда ўқувчиларга

персонал эътибор берилиши боланинг мустақил шуғуллана олмаслиги, ўзларининг ёрдам беролмасликлари деб тушунтирадилар.

### 3.5. Интеграция - хорижий таълим асоси сифатида.

Иқтидорли болалар бу - умумий ва махсус қобилиятларни ўзида мужассам этган болалардир. Улар бошқа болалардан қуйидаги белгилари билан ажралиб турадилар:

1. Концептуал ақл – ходисаларнинг мантиқий, математик, лингвистик масалаларини яхши хал қилиш иқтидори;
2. Эстетик ақл – ходисаларнинг шаклини билишга интилиш, лекин ҳар доим ҳам уларнинг сабаблари билан қизиқмаслиги;
3. Ижтимоий ақл (социал) – асосий диққат шахслараро муносабатларда жамланган бўлиб, инсон тақдири, мақсадлар ва қадриятлар билан боғлиқ қарорларни мустақил қабул қилиш салоҳияти.

Муаммоли таълим ҳам ана шу ақлнинг қай бирини ривожлантиришга қаратилганлиги билан бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Ҳозирда ривожланган мамлакатларда кичик ёшлиқдан боланинг IQ – интеллект коэффиценти –(билим қабул қилиш, янги билим яратиш ва уни самарали ишлатиб бой бўлиш қобилияти)га алоҳида диққат қаратилмоқда.

Инновацион ривожланиш узлуксиз таълимга янги талаблар қўяди. **Мактабгача таълимдан** бошлаб болани қобилиятини соҳасини аниқлаб, уни ҳар йил ривожлантириш (интеллект коэффиценти - IQ) ва оддий маиший инглиз тилини ўргатиш. **Умумий ўрта таълимда ва лицейларда (11 йил)** янги билимлар бериш билан бирга **қобилиятни (IQ) ривожланиш омилларини** ҳар йил ҳар бир ўқувчи учун таҳлил қилиш, билимларни ва қобилиятни ишлатиб бой бўлишга қизиқтириш. Қобилиятига ва қизиқишига мос олий таълим муассасаси ва касб-ҳунар коллежида касб танлашига тавфсиялар бериш. 5-синфдан бошлаб мустақил “ESSAY” ёзишни ўргатиш (ҳар йил сўз ўлчовини ошириш ва мукамаллаштириш). Ёзма ва оғзаки инглиз тилини ривожлантириш. **Коллежларда (6 ойдан 2 йилгача)** “устоз-шогирд” тизимини жорий этиб,

ишлаб чиқаришни масъулиятини ошириб, Ўзбекистонда бор инновацияларни ишлатишга ўргатиш ва ишга жойлаш.

**Олий таълим (ОТМ) бакалавриатида абитуриентлар** учун тест синовларини адолатлаштириш: барча ОТМга (ижодий ОТМдан ташқари) қабул баллари ягона бўлиши ва бир йилдан сўнг мутахассисликларга бўлинишини таъминлаш. Ижодий ОТМларда эстетик иқтидорни юқори ўринга қўйиш. Санъат даргоҳлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиб, интеграцияга алоҳида диққат қаратиш (ижодий амалиётлар, йирик санъаткорларнинг махсус курсларини ташкил этиш). 2-босқичдан бошлаб хорижий таълим тизимидаги инновацияларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш. Барча мутахассисликларда инглиз тилини чуқур ўргатишга аҳамият бериш.

**Магистратурада** ўқишни тўлиқ инглиз тилига ўтказиш (Корея, Япония, Германия тажрибаси). Устоз-шогирд хорижий инновацияларни модернизациялашга ҳаракат қилиб, хомийлар ёрдамида жорий этишга ҳаракат қилиш.

Олий таълимдан кейинги таълим:

**Докторантурада (PhD, DrS)** янги илмий ғоялар ва инновацияларни ихтиро қилиш, самарали жорий этиш ва экспорт қилиш.

Германияда 10-12 ёшдан бошлаб иқтидорли болаларни (IQси 130 балдан баланд) ажратиб олиб, Берлин Anna-LinCh-Schute мактабида махсус методикалар орқали қобилиятини ривожлантирилади. Буларнинг номи “Европа иқтисодиётини 80 умидлари”. Бу тариқа иқтидорли болаларни “бизнинг буюк келажагимиз” деб Корея, Сингапур, АҚШ, Австралия, ХХР ва бошқа ривожланган давлатларда ҳам тайёрлаш йўлга қўйилган.

Педагогик жараёнда талабаларга индивидуал ва дифференциал ёндашув шахс ривожланишида муҳим омил ҳисобланади, чунки айнан шундай ёндашув ёшлардаги иқтидор ва қобилиятни кўра билиш, шахс ривожланишига шароитлар яратишни назарда тутди.

Босқичлик дифференция технологиясидан фойдаланишнинг асосий мақсади ҳар бир талабани ўзининг имкониятлари ва қобилиятлари даражасида

ўқитиш бўлиб, натижада ҳар бир таълим олувчи ўз иқтидорига кўра билим олиш ва шахсий салоҳиятини амалга ошириш (қўллай олиш) имкониятига эга бўлади. Мазкур технология таълим жараёнини янада самаралироқ бўлишига хизмат қилади.

Индивидуал ва дифференциал ўқиш бир хил эмас. Дифференциал таълим –ўқув жараёнини ўқувчилар гуруҳининг етакчи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш бўлса, индивидуал таълим ҳар бир ўқувчининг қобилияти, иқтидорига қараб берилади. Ишни самарали ташкил қилиш учун дастур, дарслик, дидактик материалларнинг янги вариантлари яратилади.

Дифференциал, яъни табақалаштирилган таълим сўзи лотин тилидан “дифферент”, бутунни қисм, шакл, босқичларга бўлиш маъносини англатади.

Кейинги йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, таълим олувчи учун энг қулай шароитларни таъминлайдиган ўқув жараёни бу дифференциал таълимдир.

Дифференциал таълимнинг мақсади: талабаларнинг индивидуал хусусиятларини, яъни иқтидори ва қобилиятини ҳисобга олиб ўқув жараёнини ташкил қилиш.

Дифференциал таълимнинг вазифалари: талабанинг ўзига хослиги (индивидуаллигини) кўриш, ўз кучига ишонишга ёрдам бериш.

Дифференция таълим педагогдан талабаларнинг индивидуал қобилиятлари ва ўқиш имкониятларини (диққат, фикрлаш, хотира ва бошқаларнинг ривожланиш даражаси), билим, кўникма, малакалар даражасини ташкиллаштиришни ўрганишни талаб қилади, бу эса коррекцион самарага эришиш мақсадида келгуси индивидуаллаштиришни амалга ошириш имконини беради.

Дифференциал таълим аслида мактабдан бошланади. Маълумки, болалар мактаб дастурларини ўрганишга турли тайёргарлик билан келишади. Статистикага мурожаат этадиган бўлсак, ўқувчиларнинг 65% мактабга бир хил психик ривожланиш билан келади ва бу меъёр ҳисобланади; 15% - кам ёки кўп даражада бу босқичдан ўтади; 20% болалар, аксинча кам бўлади.

Амалиёт тасдиқлашича, ривожланишнинг барча босқичлари бўйича маъёрий кўрсаткичга эга бўлган болалар фақат китобларда бўлади. Одатда ҳар бир болада у ёки бу оғишишлар (оз миқдорда бўлса ҳам) бўлиб, келгусида ўқишдан орқада қолишга олиб келиши мумкин. Ўқувчиларнинг мактабдаги ўқув жараёнига тайёргарлик даражаси бир хил эмас ва йилдан-йилга кўрсаткич пасайиб кетмоқда. Баъзиларда тайёргарлик даражаси кейинги ўқишдаги муваффақиятларига мос келади, баъзиларида меъёрга аранг етиб боради. Дифференциал ёндашувни амалга ошира туриб, педагог қуйидаги талабларга амал қилиши керак:

- таълим учун яхши муҳитни яратиш;
- ҳар бир бола ўзидаги имконияти ва қобилиятига кўра ўқиши, ундан нима кутилаётгани ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- ўқув жараёнида мотивация бўлиши учун ҳар қандай талаба ёки ўқувчи билан яқиндан мулоқотда бўлиши;
- турли даражадаги таълим олувчиларга уларнинг имкониятларига мос дастурларни эгаллашлари таклиф этилиши лозим.

Дифференциянинг муҳим йўналиши бу тўлдирувчи таълим бўлиб, ўзлаштира олмайдиган ўқувчиларга нисбатан қўйилган қўшимча педагогик ҳаракат ҳисобланади. Тўлдирувчи таълим - ўқувчиларнинг қониқарсиз тайёргарлиги, ўзлаштиролмаглигига қарши жавобдир. Таълим дастури раҳбарларининг бир овоздан таъкидлашича, доимий ва масштабли тўлдирувчи таълимга ассигнования, яъни маблағ етарли бўлса, унинг самараси янада юқори бўлади. Тўлдирувчи таълим амалиёти мактаб ва оила ҳамкорлигини назарда тутуди, психология, ориентация, индивидуал ёндашув бўйича мутахассисларни жалб қилади. Тўлдирувчи таълим шаклларида бири бир синфда такрор ўқийдиганларга таълим беришдир.

АҚШда бошланғич мактабларда бир синфда икки йил ўқиш деярли йўқ. Францияда синфда қолиш бошланғич мактабнинг юқори синфларда, коллеж ва лицейларда мавжуд. Бошланғич мактабда қайта ўқиш ҳақидаги қарорни ўқитувчилар, ўрта ўқув муассасаларида ота-оналар розилиги билан

ўқитувчилар қабул қиладилар. Агар ота –оналар норози бўлса, масалани махсус комиссия ҳал қилади.

Японияда синфда қолиш ҳолати унчалик кўп учрамайди. Японияда ким тўлиқ умумий таълим олмоқчи бўлса, оддий мактаб билан чегараланмайди. У албатта тўлдирувчи таълим учун хусусий репетитор мактаби-дзюкуга боради. Дзюкуда кўпинча иқтидорли талабалар дарс беради. Мактаб битирувчилари ва омадсиз абитуриентлар учун репетитиорлик муассасалари-ебъекулар университетга тайёргарликка йўналтирилган. Нуфузли Токио ебъекуларида ҳар йили 150.000гача ўқувчилар таҳсил оладилар. Ўқитувчилар таркибида етакчи университет профессорлари бор. Дзюку ва ебъеку хизматларига мурожаат қилишдан мақсад қандай қилиб бўлса ҳам олий маълумотли бўлишга интилишдир. Ота –оналар болаларини тўлдирувчи таълимга беришининг сабаби оддий мактабнинг камчиликлардан холи эмаслиги, дзюкуда ўқувчиларга персонал эътибор берилиши боланинг мустақил шуғуллана олмаслиги, ўзларининг ёрдам беролмасликлари деб тушунтирадилар.

### **Назорат саволлари**

1. Жаҳондаги тўртта таълим модели ҳақида нималар биласиз?
2. Япония таълим интизомининг ўзига хослиги нимада?
3. Дзюку, кокоро тушунчаларини изоҳланг?
4. Концептуал, эстетик ва ижтимоий ақлнинг бир-биридан фарқи ҳақида нималар биласиз?
5. IQ - интеллект коэффиценти тушунчаси нимани англатади?
6. Дифференциаллашган таълим деганда нимани тушунаси?

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**



## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1- Амалий машғулот. Санъатшунослик йўналишларининг шаклланиши ва тараққиёт йўли. (2 соат)

**Ишдан мақсад:** Санъат таълимида иқтидор тушунчасининг моҳияти. Иқтидорни алоҳида ўқитишдан мақсад ва вазифалар. Интеграцион ўқиш тажрибалари. Мамлакатимизда санъат соҳасининг ўқитилишига доир умумий тасаввурлар, фикр-мулоҳазалар ўртага ташланади.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар томонидан кичик гуруҳларга бўлиниб, улар ҳар бир вазифа бўйича берилган саволлардан жавоб олиш жараёнида оғзаки таҳлил орқали шарҳлаб бериши лозим.

#### Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи талабаларни 4-гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек талабалар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

#### Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, хурмат билдириши керак.  
 Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.  
 Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.  
 Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.  
 Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:  
 Бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.  
 Кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

### Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиш-2 минут.
2. Муҳокама қилиш –3 минут.
3. Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.
5. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

1-илова

### Биринчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Акмеологик ёндошув нима?		
Санъат таълимига илғор хорижий тажрибаларни олиб кириш <i>зарурати</i> ни шарҳлаб беринг.		
Креатив таълимнинг етакчи методлари номларини келтиринг.		

### Иккинчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Шахсга йўналтирилган таълим нима?		
Санъат таълимига илғор хорижий тажрибаларни олиб кириш <i>аҳамияти</i> ни шарҳлаб беринг.		
Креатив таълимда объект-субъект муносабатларини изоҳланг.		

2-илова

### Гуруҳни баҳолаш жадвали.

Гуруҳлар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гуруҳ аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					

## **2- Амалий машғулот. Санъат таълимида индивидуал ва дифференциал ўқитиш тажрибасининг аҳамияти. (2 соат)**

**Ишдан мақсад:** Хорижий тажриба ва республикаимиз таълим жараёнлари ўртасидаги умумийлик ва алоҳида жиҳатлар. Таълим модернизациясининг хусусиятларини таҳлилий ўрганиш фаолиятини ташкиллаштириш.

**Мақсаднинг қўйилиши:** Мамлакатимизда санъат таълимининг ҳолати, жараёнларнинг ўзига хослигини белгилаш ва соҳанинг SWOT таҳлилини амалга ошириш.

	<b>Манфаатли омиллар</b>	<b>Манфаатсиз омиллар</b>
Ички муҳит омиллари	<b>С – кучли томони.</b>	<b>W – заиф томонлари</b>
Ташқи муҳит омиллари	<b>О – имкониятлар.</b>	<b>Т – хатарлар.</b>

Тингловчилар гуруҳларга бўлиниб, таҳлилни амалга оширадилар. Таҳлил якунлангач, гуруҳ етакчилари томонидан презентация қилинади. Ҳар тўрт омиллар асослаб, изоҳлаб берилади. Машғулот сўнгида гуруҳлар ўзаро бир-бирларини баҳолайдилар.

### **Мавзу бўйича иккинчи амалий машғулот.**

**Кейс-стади.** Ушбу методга таяниб, берилган фикрни муҳокама қилиш ва илғор хорижий тажрибалар мисолида мустақил қарашларни баён қилиш, асослаш вазифалари қўйилади.

Таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ва таълим тизимида юз берган туб ўзгаришлар барчамизга маълум. Ушбу ислоҳотлар самарали натижалар бериши учун ҳукуратимиз томонидан жуда кўп меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, таълим соҳаси ходимлари томонидан кўп саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Бугунги кунда эришилган қатор ютуқлар билан бир қаторда ечими қийин кетаётган муаммоли ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

1. Кўпчилигимиз собиқ таълим тизимида ўқиб ўрганганмиз ва билимларимиз анча пухта бўлганлигини биламиз. Бироқ собиқ таълим тизимидан ҳозирги таълим тизимининг афзаллиги нимада деб ўйлайсиз? Камчилик жиҳати ҳам борми?

2. Таълим берувчи билан таълим олувчилар муносабатида ҳамкорлик методига асосланиш, яъни талабаларни таълим объекти эмас, таълим субъекти деб ҳисоблаш ва таълим субъектларини фаоллаштириш, сизнингча, таълим самарадорлигининг қайси жиҳатларига таъсир қилади? Айнан шу бугунги кунда нималарни ўзгартирди?

3. Коммуникатив таълимнинг анъанавий таълимдан, компетенциявий ёндашувнинг коммуникатив тамойилдан фарқли ва афзаллик жиҳатлари нималарда кўринади? Ушбу ёндашувларда бирдан иккинчисига ўтишда нималарнидир сақлаб қолиш керакми ёки бутунлай воз кечиш маъқулми?

Берилган саволларга мустақил жавоб бериш орқали тингловчиларнинг вазиятни баҳолаш, таҳлилий фикрлаш кўникмаларини аниқлаш мумкин. Ушбу методни талабалар гуруҳларида қўллашда саволларни уларнинг даражасида тузиш ва мустақил фикрларини билдиришга имконият яратиб бериш муҳим бўлади.

### **3-Амалий машғулот. Марказий Осиё республикаларида санъат таълими тажрибалари ва ўзаро алоқадорлик масалалари (2 соат).**

*Ишдан мақсад:* Марказий Осиё республикаларида санъат таълими тажрибалари ва ўзаро алоқадорлик масалалари. Мамлакатимиз олий таълим тизимида олиб киришдаги ўзига хос жиҳатлар таҳлили.

*Мақсаднинг қўйилиши:* Марказий Осиё республикаларида санъат таълими тажрибалари ва ўзаро алоқадорлик масалалари ҳақида баҳс мунозара лдиб борилади.

Гуруҳлар ўз чиқишларида жамоа фикрини ифода этиб, қарашларини ҳимоя қилиши, асослаши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мунозара

талабаларда ҳар қандай масалани ўртага ташлаганда унинг икки томонини тарозуга солиш ва шу тариқа асосли хулосага келиш кўникмасини шакллантиради.

**4-Амалий машғулот. Ўзбекистон санъатшунослик фанининг ўзига хослиги, анъаналарнинг давомийлиги, янги тенденцияларнинг пайдо бўлишидаги муҳит, зарурият, истиқбол масалалари. (2 соат)**

*Ишдан мақсад:* Ўзбекистон санъатшунослик фанининг ўзига хослиги, анъаналарнинг давомийлиги, янги тенденцияларнинг пайдо бўлишидаги муҳит, зарурият, истиқбол масалаларини жамоавий тарзда танқидий таҳлил қилиш шарт-шароитини яратиш.

*Мақсаднинг қўйилиши:* Тингловчиларнинг таълим ва тарбия уйғунлиги, Шарқона таълим ва тарбиянинг хусусиятлари борасидаги қарашлар ҳамда хориж тажрибасида синовдан ўтган замонавий ёндошувлар аҳамиятига доир ўзаро фикр-мулоҳаза алмашишлари берилган намуна бўйича ФСМУ технологияси асосида амалга оширилади.

Тингловчилар гуруҳларга бўлиниб, мавзуни таҳлил қиладилар. Ишнинг сўнгида гуруҳ томонидан якуний хулосалар ўқиб эшиттирилади. Презентация давомида гуруҳ иштирокчиларнинг барчаси фаол қатнашишлари талаб этилади.

Экранда ФСМУ методининг умумий тавсифи ва у асосда ҳал қилинадиган мавзу акс этиб туради.

**V. КЎЧМА МАШҒУЛОТ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

## V-КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-кўчма машғулот. Ўзбекистон санъатшунослик фанининг ўзига хослиги, анъаналарнинг давомийлиги, янги тенденцияларнинг пайдо бўлишидаги муҳит, зарурият, истиқбол масалалари. (4 соат)**


**Ишдан мақсад:** Ўзбекистон санъатшунослик фанининг ўзига хослиги, анъаналарнинг давомийлиги, янги тенденцияларнинг пайдо бўлишидаги муҳит, зарурият, истиқбол масалаларини жамоавий тарзда танқидий таҳлил қилиш шарт-шароитини яратиш.

**Мақсаднинг қўйилиши:** Тингловчиларнинг таълим ва тарбия уйғунлиги, Шарқона таълим ва тарбиянинг хусусиятлари борасидаги қарашлар ҳамда хориж тажрибасида синовдан ўтган замонавий ёндошувлар аҳамиятига доир ўзаро фикр-мулоҳаза алмашишлари берилган намуна бўйича ФСМУ технологияси асосида амалга оширилади.

Тингловчилар гуруҳларга бўлиниб, мавзунини таҳлил қиладилар. Ишнинг сўнгида гуруҳ томонидан якуний хулосалар ўқиб эшиттирилади. Презентация давомида гуруҳ иштирокчиларнинг барчаси фаол қатнашишлари талаб этилади.

Экранда ФСМУ методининг умумий тавсифи ва у асосда ҳал қилинадиган мавзу акс этиб туради.

Булар қуйидаги тартибда:



Мамлакатимиз таълим тизимига хориж тажрибаларини олиб киришнинг зарурияти нимада деб биласиз?	
Ф	Фикрингизни баён этинг
С	Унга сабаб кўрсатинг
М	Мисол келтиринг
У	Умумлаштиринг

### Кўчма машғулот саволлари

1. Америка таълим моделининг миллий таълим тизимимизга олиб кириш мумкин бўлган жиҳатлари қайсилар?
2. Япония таълим моделининг илғор тажрибалари нималардан иборат?
3. Жаҳоннинг етакчи таълим ислоҳоти ташаббускорларидан кимларни биласиз?
4. Ўзбек таълим моделининг етакчи сифатлари нималарни ўз ичига олади?
5. Акмеологик таълимда нималар назарда тутилади?
6. Шахсга йўналтирилган таълим деганда нималарни тушунасиз?
7. Жаҳонда тан олинган етакчи таълим моделлари тушунчаси.
8. Хорижий тажрибаларини ОТТга олиб кириш мақсад-вазифалари.
9. Шахсга йўналтирилган таълимнинг функцияси ва вазифаси нимада?



## VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

## VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

### Кейс №1. “Тунда очик”

Санъат оммабоплигини янада ошириш туфайли ушбу сохадаги кўшимча қийматнинг капиталга айланиш жараёни Тейт Модерн галереяси учун муваффақиятли ўтди. Мазкур кампанияни 2002 йил март ва май ойларида Лондоннинг 8та галереясидан иборат бирлашма ўтказди. Галереялар кампанияда ўзларига хос вазифаларни белгилаган бўлсалар ҳам, лекин барчалари куйидаги мақсадларга ўз диққат эътиборини қаратдилар:

- тунги соатларнинг узайтирилганлиги хақида кўпроқ ташриф буюрувчиларни хабардор этиш;

- кечки соат 6 дан кейин ташриф буюрувчилар сонини ошириш; - галереялар хақидаги “зерикарли ва жонга теккан жой” деган тассавурни ўзгартириб, галереялар - ижтимоий хаётнинг бир қисми сифатида каби концепцияни таклиф этиш;

- ташриф буюрувчилар завқ оладиган алоҳида бир тадбирлар, маърузалар, сафар, жонли ижро, ресторан, бар ва харидлар каби фаолиятлар доирасини ОАВда ёритиб бориш.

Баъзи бир галереялар, хусусан В&А галереяси тунги соатларгача икки йил мобайнида ишлаб келган ва 1500 -2000 га яқин тунги ташриф буюрувчиларни жалб этган. Бошқалари эса, масалан Миллий Портрет Галереяси хафтасига икки тун очик бўлиб, бир йил мобайнида ишлаган эди, унга 300-400га яқин одам кечқурун ташриф буюрган. Далвик Тасвир Галереяси ўз тажрибасида тунги ташрифларни ҳеч қачон қўлламаган ва бундай имкониятдан фойдаланиш истагини билдирди. Кампания учун мақсадли гуруҳ этиб 25-34 ёшли санъатдан хабардор ёки мутахасис, Лондонда яшайдиган ёки ишлайдиганлар танлаб олинди. Ушбу сегментни жалб этиш учун “Санъатни севасанми? ....

Ундан завқ ол...Кечроқ.” шиор ишлаб чиқилди.

Ушбу шиор реклама бренди сифатида юракча шаклдаги ширинликларга бириктирилди.

Ҳар бир галерея хақида маълумот, унинг жорий кўрғазмалари ва кеч тунгача очиклигини ёритган 190000та рисола нашр этилди. 66000таси Лондон ва Вест Эндга дистрибьютер агентлиги томонидан тарқатилди.

Қатнашувчи галереялар ҳар бири 8000тасини тарқатди, қолгани эса *Time Out* журнаliga илова қилинди.

Журнал ўқувчилари мақсадли аудиторияга ёши, ҳаёт тарзи каби кўрсаткичлари билан тўғри келди. Ушбу ҳаракатлар орқали 89%га ўсиш кузатилди.

Рисолада галереяларда очилган тунги барлар ҳақида тафсилотлар, хусусан Абсолют водка ҳомийлигидаги Лове Арт ароғидан коктейли бепул таклиф этилиши берилди. Абсолют бренди танланган ташриф буюрувчилар аудиториясига тўлиқ мос келади. Бундан ташқари *Time Out* ҳар ҳафта тунги барларни реклама қилиб, газетхонларга махсус чегирмаларни таклиф этиб борди.

Кампания харажатлари қатнашчилар ўртасида тақсимланиб, 1400 фунт стерлингга тенг бўлди. Асосий харажатларни рисолаларни чоп этиш ва тарқатиш ташкил қилди. *Time Out* газетаси ҳомийлигида 21000, Абсолют бренди томонидан эса 8000 фунт стерлингидаги харажатлар қопланди. Хеюард Галереясида очилган биринчи тунги бар биринчи тундаёқ ўртача сондан анча кўп бўлган ташриф буюрувчилар -300тасини жалб этди. Миллий Портрет Галереясига эса 800га яқин мижоз келди. Хаттоки энг паст рейтингда бўлган Далвик Тасвир Галереясига 200та одам келди. Кампания тугаганидан сўнг натижа кўплаб галереяларга шундай сақланиб қолди. Масалан Миллий Портрет Галереясига ташриф буюрувчиларнинг сони ўсиб борди ва ҳозирда тунги ташриф 1000 дан ортиқ бўлиб турибди. *Манбаа: Марлоу, 2001.*

### Саволлар

1. Санъат муассасаларининг биргаликдаги ҳаракатида қандай афзалликлар ва камчиликлар бўлиши мумкин?
2. Галереялар реклама кампаниясини ўтказишда қандай маълумотларга эга бўлдилар? Ушбу маълумотлардан потенциал мижозлар билан узоқ муддатли муносабатларни ўрнатишда қандай фойдаланиш мумкин?
3. Сизнинг фикрингизча, ушбу кампания ташриф буюрувчиларни санъатга эмас балки бепул ичимликка жалб этишга айланиб қолиш хавфи қай даражада? Ушбу хавфни чеклаш учун нима қилиш мумкин?

### Кейс №2. “Халл Трак” театри томошибанлари

Тадқиқотлар охириги 2 йил мобайнида Халл шаҳрининг театрга борувчи аҳолисидан фақатгина ярми Халл Трак театрида бўлганлигини кўрсатди. Бунга қараганда 10тадан 9таси шаҳар марказида жойлашган дастури турли туманлиги билан ажралиб турадиган Халл Нью Театрига бориши аниқланди. Йилда театрга уч ва ундан ортиқ марта борган ташриф буюрувчиларнинг сони чоракдан кўпроғини ташкил этди, уларнинг орасида

хеч қайси Халл Трак театрида бўлмаган. Томошабинларнинг учдан бир қисми “юксак” санъат шаклларидаги замонавий драмаларни кўришни хуш кўришар экан ва улар орасида Халл Трак театрига борганлар аниқланмади.

Халл Тракнинг таҳлил этилган жорий томошабинлари театр ташаббускорлари, доимий ва турли театрларга боровчилар деб топилди. Улар театрни асосан кечқурун боришга яхши жой деб, театрга бориш уйдан ташқарида овқатланишга бориш сафари сифатида қабул қилишар экан. Уларнинг ёши 25-44 ёшда.

Бунга қиёсан, янги потенциал томошабинлар (театрга боровчи лекин Халл Тракка бормаганлар) ҳақиқатдан театрга қизиқувчилар бўлмаган. Улар янгиликни излайдиган ва тажриба сифатида қабул қиладиган инсонлар тоифасидан.

**Ташриф буюришга таъсир этиш.** Тадқиқот сўровномаси иштокчилари бўйича Халл Трак театрига бориш учун қандай омилларга боғлиқлиги аниқланди. Театрга боровчиларнинг ярми шаҳар марказидаги янги бино ўзига жалб этишини таъкидладилар. Танаффусда томошабинлар дам оладиган хона ёки зал, бар кафеларнинг мавжудлиги ёшроқ томошобинларни жалб этиши мумкин. Жон Годбер Жон Годбер бадий директорининг маҳсулоти кўпчиликка ёқиши эътироф этилди. Лекин кўрсатувларнинг янги шакллари таклиф этиш тавсия этилди.

**Маркетинг натижалари.** Халл Трак театри маркетинг коммуникациясидаги камчилик потенциал бозорни чуқурроқ ўрганилмаганлиги кузатилди. Театр томошобинлари театр дастурларидан театр томонидан юборилган хатлар, тез тез ташриф буюрувчилардан хабардор бўлиб туришар экан. Айримлари маҳаллий газеталарда берилган маълумотлар билан қизиқиб турар эканлар. Ёшлар эса асосан интернетдан.

### Саволлар

1. Халл Трак театри ўз миссиясини оширишда қандай мақсад ва вазифаларни белгилашини таклиф қила оласиз.

2. Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда қандай стратегияларни ишлаб чиқасиз. Ушбу стратегияларни тадбиқ этиш учун маркетинг тактикасини ишлаб чиқинг.

3. Ушбу режаларни ишлаб чиқишда маълумотлар рўйхатини тузинг. Агарда Сиз Театр маркетинг менежери бўлсангиз ушбу маълумотлар етарлича бўлармиди?

### Кейс №3. Опера ҳамкорлиги

Сидней Опера Хаус бутун дунёда машхур бўлган замонавий архитектура дизайнидаги бинолардан бирида жойлашган. Опера Хаус ташкилий ривожланиш инноватори сифатида унинг ижрочи директори Майкл Линк тўрт йиллик бошқаруви остида шаклланди.

Линк Австралия Кенгашидаги театр менежментида миллий санъатни қўллаб қувватловчи инновацион шахс сифатида эътироф этилиб 1998 йилда Австралия тасвирий институтини бошқарувини олди. Унинг бошқарув фаолияти Опера Хаус учун икки муҳим тарихий воқеалар – Янги йил ва 2000 йил Сидней Олимпиадасига тўғри келди. Бундай ҳодисалар ташкилот учун иш жараёнининг янги ёндашувларини талаб этарди ва Линк Операни “ўрганувчи ташкилот” га айлантиришга аҳд қилди. Ушбу атама америкалик менежмент намояндаси Питер Сенж (Петер Сенге) томонидан 1990 йилда “Бешинчи Фан” китобида ёритилган бўлиб, унга биноан ташкилот инсонлар каби тизимли равишда ривожланиши ва тажриба алмашишлари лозим. Албатта унинг афзаллиги бир бутунлигида, ўрганиб бориш эса ташкилот муҳим фаолиятларидан бири сифатида ташкилий қувватни оширишда катта кучдир. Бошқача қилиб таъкидланганда эса, “унинг аъзолари жамоавий хабардорлик ва унумдорликни кучайтириш ва қўллаб қувватлашга доимий диққат эътиборини қаратиб турадилар” (Сенге *эт ал.*, 1994).

Опера Хаусда муваффақиятга эришиш йўли барча ходимларни ушбу йўналишга қўйиш деб белгиланди.

Линк буни қуйидагича изоҳлади: “Опера Хаусда ишлар қандай бажарилишига бутун штатни жалб этиш ёндашувини биз қабул қилдик. Натижа –бу иш жойи бўлиб, бу ерда ташкилот ривожини учун ҳар бир ходим ўз хиссасини қўшиш учун ваколат олган. Бу шахсининг ўсиши учун кўмакловчи иш жойи бўлиб, бунда инновациялар, маҳоратни кўрсатиш, “буни қила оламан” деган хатти ҳаракат тан олинади ва рағбатлантирилади”. Ушбу жараёнинг бош ғояси турли соҳаларни қамраб олувчи лойиҳа гуруҳининг ташкил топиши бўлиб, унга тажрибаси ва функционал асоси ҳар хил бўлган ҳамкасабалар киритилди.

Уларнинг вазифаси муассасанинг 2000 йилга тайёр бўлиши, яъни компьютерга мувофиқлик ва товар ва хизматларга янги солиқлар билан танишиш. Шу билан бирга маданий ўзгаришларга бўлган зарурат масаласи муассасанинг турли бўлимлари ва поғоналари томонидан ўртага қўйилди. Концепция Командаси деб ном олган ушбу ишчи гуруҳ эътиборини муассасанинг ўзини ҳамда бу ердаги ҳар бир шахсни такомиллаштиришга қаратди.

## VI. ГЛОССАРИЙ

## VI. ГЛОССАРИЙ

Инглиз тилидаги	Термин	Ўзбек тилидаги
<b>Theatre</b>	<b>Театр</b>	<b>Театр</b> – (юн. сўз бўлиб, томошагоҳ деган маънони англатади). Санъат тури; унинг ўзига хос ифода воситаси актёрнинг омма олдидаги ўйинижараёнида юзага келадиган сахнавий воқеадир. Театр санъатида ҳам бошқа санъатларда бўлганидек, халқ ҳаёти, тарихи, дунёқараши акс этиб, жамият тараққиёти, маънавияти, маданияти билан боғлиқ ҳолда ўзгариб, такомиллашиб боради. Театр асосида оғзаки ёки ёзма драматургия ётади. Театр синтетик санъат бўлиб, жамият ҳаётида, томошабинларнинг маънавий-эстетик тарбиясида муҳим ўрин тутди. Унда драматургия, мусиқа, тасвирий санъат, рақс, меморлик ажралмас бирликни ташкил этади. Театр – санъатнинг муҳим бир хили бўлиб, у қадимги Грецияда туғилди.
<b>Decoration</b>	<b>Театр декорацияси санъати</b>	сценография– тасвирий санъатнинг театр санъати билан боғлиқ соҳаси; декорация, либослар ёруғлик, сахна техникаси воситасида спектаклнинг томоша образи (кўриниши)ни яратиш санъати.
<b>Music</b>	<b>Театр мусикаси</b>	1. кенг маънода - барча мусикали (опера, балет, оперетта, мусикали драма, мусикали комедия, водевил, мюзикл ва б.) ҳамда драматик спектакллар учун ёзилган мусиқа. 2.тор маънода – драматик театр спектакль (драма, комедия, трагедия)лари мусикаси
<b>Theatre Science</b>	<b>Театршунослик</b>	театр тарихи ва назариясини ўрганувчи фан. Мустақил илмий йўналиш сифатида театр санъатининг умумий тараққиёти билан боғлиқ ҳолда XX асрда шаклланган. Театршунослик дастлаб, асосан драма театрлари фаолияти билан боғланган бўлса, кейинчалик опера ва балет, оперетта, мусикали драма, болалар театри, кўғирчоқ театри, театр таълими, сахна нутқи, декорация санъати, театр либоси ва пардозы, сахна ҳаракати, хаваскорлик театри соҳалари ва йўналишларини ўз ичига олади.
<b>Subject</b>	<b>Сюжет</b>	– (фр. ва лот. сўз бўлиб, предмет, мазмун, моҳият, нарса деган маъноларни англатади).

		<p>1. Бадиий асарда, фильмда воқеа-ҳодисалар тасвири, баёнидаги изчиллик ва ўзаро алоқа; бадиий асар мазмуни.</p> <p>2. Тасвирий санъатда: тасвир объекти, предмети. Сюжет –бадиий асар мазмунини ташкил этадиган, бир-бири билан ўзаро боғлиқликда кечадиган, қаҳрамонлар ўртасидаги алоқалардан таркиб топган воқеалар тизими.</p>
<b>Acting technique</b>	<b>Актёрлик санъат</b>	санъат яратиш сасна қиёфаларни (ролларни) театрда томошаларнинг тақдимотчилари
<b>Atmosphere</b>	<b>Атмосфера</b>	ҳаяжонли бо;яш ҳар кимнинг ҳаракатлари, сахнанинг, эпизода, боғлиқ бўлган тавсия этилаётган ҳолатлар, воқеаларданги тугун, низони, темпо-ритма, "донлар", боғлиқлиги ҳаракати ва фаолият юритувчи шахсларда уни феъл-атворини, ёрдам беради.
<b>Proscenium</b>	<b>Авансцена— сахна</b>	дахлиз бир бўлак сахнанинг, бир қанча намоиш этилган томоша зали. (Рампа). сифатида о;йин учун белгиланган майдонча сахна олди кенг фойдаланилди опер ва балет спектакль драматик театрларда сахна олди хизмат қилади. Асосан жой ҳаракатлари учун катта бўлмаган сахналар олдидаги ёпиқ парда.
<b>Type, theatrical character</b>	<b>Амплуа— ўхшаш</b>	феълига кўра ролини, тегишли маълум актёра (актрисалар) томонидан бажариладиган ролларнинг типи.
<b>Atellana</b>	<b>Ателлана-ателлана</b>	(қадимги рим халқ томошаси;одий халқ ҳаётини тасвирловчи қисқа сахна асари)
<b>Annotation</b>	<b>Аннотация-аннотация</b>	(қисқа қайдлар, китобнинг қисқача мазмуни)
<b>Ballad</b>	<b>Баллада-</b>	(лирик-эпик поэзиянинг бир тури)
<b>Ballet</b>	<b>Балет-балет</b>	(театр санъати турларидан бири); раксга асосланган музикали-драматик сахна асари)
<b>Properties</b>	<b>Бутафория— сахнадаги</b>	ясама жиҳозлар қалбаки фанлар (хайкалтарошлик, мебель, идиш, безаклар ва бошқалар. Асар воқеаларини очишга ёрдам берувчи нарсаларни.
<b>Buffoon</b>	<b>Буффонада</b>	кулгили театр томошаси қабул қилиш, фойдаланилаётган театрда; асосан ташқаридан караганда комик бўрттириб юбориш, баъзида тартибли ҳаракатларни, кўринишлари



## VII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

## VII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаёвон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3920-сон Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ПҚ-4068-сон Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февральдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4584-сон Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий

таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли [Фармони](#).

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли [Фармони](#).

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли [Фармони](#).

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

21. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.

<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>.

22. Авдейва Л. Ўзбек миллий рақси тарихидан. - Т.: Мукаррама Тургунбоева номидаги “Ўзбек рақс” миллий рақс бирлашмаси, 2001.- 204б.

23. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

24. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

25. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 б.

26. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

27. Қодиров М. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. – Т: Фан, 1993. – 205-б.

28. Қодиров М. Темур ва темурийлар даврида томоша санъатлари. – Т: Ғ.Ғулом ном. нашриёт, 1996. – 64-б.

29. Қодиров М. “Томоша санъатлари ўтмишда ва бугун” - Т: “Mumtoz so`z”, 2011. - 528 б.

30. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

31. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf).

32. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf).
33. Сайфуллаев Б. Томоша санъати тарихи ва назарияси. – Т: «Фан ва технология», 2014. - 152 б.
34. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув кўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
35. Чаплин Чарльз Спенсер. О себе и своем творчестве. М.: Искусство. Т. 1 - 1990.350 с.
36. Файзиев Х. Овозсиз кинематографдаги операторлик санъати тарихидан. Т., 2008. – 180 б.
37. Фрейлих Теория кино: от Эйзенштейна до Тарковского. М.: Искусство, ТПО-1992, “Истоки”, -351 с.
38. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Ш.Каримов ва бошқ. Тошкент: 1992,Ўқитувчи, - 294 б.
39. Ўнгбоева Б.Ў. Ўзбекистонда 1920-1956 йилларда кино ва театр санъати тарихи. Дисс автореферати. –Т., 2018. –55 б.
40. Юренев Р. Краткая история киноискусства. - М.:Академия, 2000.- 288
41. Andrew Paquette. An Introduction to Computer Graphics for Artists.- Springer Publishing Company, Incorporated, USA 2013.
42. Agel H. L'espace cinématographique. Paris, ed. J.-P.Delarge-ed. Universitaires, 1978,219 p.
43. Basic Text of the Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage, UNESCO, Paris, 2014 y.
44. Benjamin Grosbayne. “Techniques of modern Orchestral Conducting”. Harvard University Press. USA, 2011 y.
45. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
46. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
47. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
48. Mitchell. H.Q. , Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publiciations. 2015. 191.
49. Mitchell. H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publiciations. 2015. 183.
50. Raymond Bisdorff, LuisC. Dias, Patrick Meyer, Vincent Mousseau, Marc, Pirlot. Evaluation and Decision Models with Multiple Criteria.- Springer-Verlag Berlin Heidelberg. - Germany, 2015 y.
51. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
52. Sibsan. “The modern conductor”. Pearson Prentice Hall. Англия, 2004.

#### IV. Интернет сайтлар

53. <http://edu.uz>
54. <http://lex.uz>
55. <http://bimm.uz>
56. <http://ziyonet.uz> –
57. <http://www.dsmi.uz>.
58. <http://www.kino-teatr.ru>
59. <http://www.artsait.ru>
60. <http://belcanto.ru/>
61. <http://music.edu.ru/catalog>
62. <http://artyx.ru/>